



32
(1454)–son
4–sentabr
2020

Хабар

О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

ТҮЙГА ТҮЁНА БИЛАН

Яна қатор вилоятларда
Рақамли технологиялар ўнқув
марназлари очилди **2-бет**

НИШОНДОРЛАРИМИЗ

Мукофотлар
муборак бўлсин! **3-бет**

ЭЪТИРОФ

Янада шижоат билан
меҳнат қилаверамиз **4-бет**

К 29-ЛЕТИЮ НЕЗАВИСИМОСТИ

Цифровая трансформация
экономики: результаты,
перспективы и планы **6-бет**

ИНСОН ЎЗИНГ

Ҳашаматга ўч миллат... **8-бет**

МУНОСАБАТ

Америкадан қайтмаган "қарға"
ёхуд оталарнинг фарзанд
олдидаги бурчи нимадан
иборат? **10-бет**

ОНЛАЙН ТАЪЛИМ

Мактабда онлайн
таълим олувчилар учун
қандай қулайликлар
яратилмоқда? **15-бет**

TELEGRAMДАГИ КАНАЛЛАРНИНГ

МАМЛАКАТЛАР МИЎЎСИДА

ТАҚСИМОТИ

(жами 221 114та канал)

1. Россия — 60,7 фоиз
2. Эрон — 20,2 фоиз
3. Ўзбекистон — 12,2 фоиз
4. Украина — 5,5 фоиз
5. Қозғистон — 0,8 фоиз
6. Беларусь — 0,7 фоиз.



Манба: Telegram Analytics

АКТ ВАЗИРЛИГИ МОБИЛ ҚУРИЛМАЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА РАСМИЙ БАЁНОТ БЕРДИ



ЭЪТИРОМ

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонлари ва қарорига мувофиқ Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий, фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат ва оммавий ахборот воситалари соҳалари ходимларидан бир гуруҳи мукофотланди. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидаги компания, корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари, ўқитувчи ҳамда талабаси ҳам бор.

"Меҳнат шуҳрати" ордени билан

Шуҳрат Муҳаммаджонович СОДИҚОВ — Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан

Қаҳҳор Фаттоҳович АБДУРАҲМОНОВ — Тошкент ахборот технологиялари университети "Физика" кафедраси профессори

"Дўстлик" ордени билан

Насибахон Турғунбоевна ИСМОИЛОВА — "Электромагнит мослашув маркази" давлат унитар корхонаси бошлигининг биринчи ўринбосари,
Сергей Дмитриевич ЛИ — Гурлан туман телекоммуникациялар боғламаси муҳандиси.

"Содиқ хизматлари учун" медаллари билан

Сайфидин Мирабдуллаевич МИРДАДАЕВ — "Ўзбектелеком" АК Наманган филиали капитал қурилиш ва таъмирлаш участкаси электромонтёри.

"Шуҳрат" медаллари билан

Олег Александрович АКСЕНОВ — "Электромагнит мослашув маркази" ДУК Фарғона вилояти электромагнит мослашув хизмати муҳандиси,
Умида Атабаевна РАЖАПОВА — Урганч почта алоқаси боғламаси бўлим бошлиги.

"Мард ўғлон" давлат мукофоти билан

Қодиров Фаррух Эргаш ўғли — Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали 1-босқич магистри.

Давлатимизнинг юксак мукофотлари муборак бўлсин!

2 | ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Jumadan
Jumagacha

ТҮЙГА ТҮЁНА БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 август куни геология соҳасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги бўйича тақдимот билан танишди. Тақдимотда соҳадаги ишлар натижадорлигини ошириш, қонунчилик базасини мустаҳкамлаш ҳамда инвестиция салоҳиятини янада кенгайтириш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 28 август куни умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув йилига тайёргарлик масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда пандемия шароитида таълим жараёнини ташкил этиш бўйича долзарб чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 август куни давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари ҳамроҳлигида Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 август куни Шаҳидлар хотираси хиёбонига ташир буюрди. Мажмуадаги рамзий қабр ёнида қагафон қурбонлари руҳларига бағишлаб Қуръон тиловат қилинди. Шу ерда нурунийлар, уламо ва зиёлилар билан мулоқот бўлди. Давлатимиз раҳбари шу куни Мустақиллик майдонига ҳам ташир буюриб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар кўйди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, пойтахт жамоатчилиги вакиллари ҳам монумент пойига гуллар кўйди.

Кўксарой қароргоҳида 31 август куни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Президент Шавкат Мирзиёев халқимизни миллат айём билан табриқлади.

Президент Шавкат Мирзиёев 2 сентябр куни Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов ҳайкали пойига гулчамбар кўйиб, унинг ёрқин хотирасига хурмат бажо келтирди. Ислоҳ Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасида Қуръон тиловат қилинди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган "Балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор ҳамда "Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қорақўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббуснинг учинчиси – Аҳоли ва ёшларнинг компьютер технологияларидан кенг ва самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш, ёшларни ахборот технологиялари соҳасидаги тадбиркорликка жалб қилиш доирасида АКТ вазирлиги давлат ҳокимияти органлари билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиб, республика миқёсида Рақамли технологиялар ўқув марказларини ташкил этишни давом эттирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 29 йиллиги шодиёнаси арафасида мамлакатимизнинг яна қатор вилоятларида Рақамли технологиялар ўқув марказлари очилгани ёшларга ўзига хос байрам совғаси бўлди.

ҚАШҚАДАРЁ

"Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти Қашқадарё филиали Қарши шаҳар почта алоқаси боғламаси қошида очилган Рақамли технологиялар ўқув маркази мамлакатимизда кенг аҳоли қатламини масофавий махсус онлайн-портал орқали IT-йўналишлари бўйича тайёрлашга йўналтирилган йирик "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида амалга оширилди.

Марказнинг очилиш маросимида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, вилоят соҳа корхона ва ташкилотлари раҳбарлари, туман фаоллари ва ёшлар иштирок этди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлан-



тириш вазири ўринбосари Баҳром Олматов ҳамда Қарши шаҳар ҳокими ўринбосари Алишер Насимов марказда вилоятдаги ёшларнинг ахборот ва рақамли технологиялар, дастурий таъминот яратиш, киберспорт ва робототехника асосларига ўқитиш орқали рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга ўз хиссасини қўшадиغان мутахассислар етишиб чиқишига ишониларини таъкидлашди.

Мазкур марказда 7 ёшдан 30 ёшгача

бўлган ёшлар компьютер саводхонлиги бўйича бепул ўқитилади ва курсларни муваффақиятли тугатганларга сертификатлар берилади. Марказ ахборот-коммуникация технологиялари ўқув маркази, робототехника ўқув маркази ва киберспорт йўналишларидан ташкил топган.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё
вилоятидаги мухбири

САМАРҚАНД

Вилоятнинг Тойлоқ ва Самарқанд туманларида Рақамли технологиялар ўқув марказлари очилди. Марказ ахборот-коммуникация технологиялари ўқув маркази, робототехника ўқув маркази ва киберспорт йўналишларидан ташкил топган.

Тойлоқ туманидаги марказнинг очилиш маросимида туман ҳокими Б.Бобоназаров, ҳокимнинг ёшлар сиёсати бўйича ўринбосари Д.Ҳақбердиев, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиги в.б. Д.Хўжамбердиев, вазирлик тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг вилоят бўлинмалари раҳбарлари, туман фаоллари ва 50 нафардан зиёд ёшлар иштирок этдилар.

Самарқанд туманида эса марказ очилишида туман ҳокимининг ёшлар сиёсати бўйича ўринбосари З.Шодиёва, АКТ вазирлиги тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг вилоят бўлинмалари раҳбарлари, туман фаоллари ва ёшлар иштирок этдилар.

Мазкур марказларда 7 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар компьютер саводхонлиги бўйича бепул ўқитилади ва курсларни муваффақиятли тугатганларга сертификатлар берилади.



ЖИЗЗАХ



29 август куни Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманида янги Рақамли технологиялар ўқув маркази иш бошлади. Ўқув марказида компьютер саводхонлиги, дастурлаш асослари, киберспорт ва робототехника йўналишлари бўйича ўқув курслари ташкил этилади.

Марказнинг 28 ўринга эга учта синф хонаси киберспорт, робототехника, энг сунгги русумдаги компьютер ва ортотехника воситалари, юқори тезликдаги интернет билан таъминланган. Бир йилда 250 нафаргача ёшларни ўқитиш қувватига эга.

Ўзбекистон бўйлаб IT-Park филиаллари очилмоқда, тез орада Жиззах шаҳри ҳам ўз технопаркига эга бўлади.

Таъкидлаш жоизки, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2020-2021 йиллар давомида Ўзбекистоннинг барча шаҳар ва туманларида Рақамли технологиялар ўқув марказларини ишга туширишни режалаштирган.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасининг юқори даражада юксалиши ҳамда равнақи йўлида фаолият юритаётган, соҳанинг ривожланишига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшиб келётган вазирлик тизимидаги акциядорлик компаниялари, жамиятлари, корхона, ташкилот ва муассасалар, шунингдек, мобил алоқа операторлари раҳбар ходимлари ва мутахассислари Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг идоравий мукофотлари билан тақдирланди. Жумладан:

“МОҲИР АЛОҚАЧИ” фахрий унвони билан

“Ўзбектелеком” АК “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали Миробод телефон боғламаси линия-кабел иншоотлари цехи 252/256-ЭАТС электромонтёри **Аҳмадjon Нигмонович САМИГОВ**, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали директори **Ариф Баҳодирович МАҲМУДОВ**, “Республика махсус алоқа боғламаси” ДУК Хукумат тадбирларига хизмат кўрсатиш, овоз кучайтириш ва синхрон таржима билан таъминлаш бўлими 1-тоифали алоқа муҳандиси **Аброр Умидович МУСАЕВ**.

“ФАХРИЙ ЁРЛИҚ” билан

“Ўзбектелеком” АК Телекоммуникация тармоқларини эксплуатация қилиш бошқармаси бошлиғи **Шоакбар Шарустамович ТАШПУЛАТОВ**, “Ўзбектелеком” АК Стратегик ривожлантириш ва инвестиция лойиҳалари бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Умар Агзамович ИЗБАСАРОВ**, “Ўзбектелеком” АК “ЎзМобайл” филиали директор ўринбосари **Жавлон Расуллович ИСЛАМОВ**, “Ўзбектелеком” АК “Телекоммуникация транспорт тармоғи” филиали директорининг биринчи ўринбосари **Фулом Ибрагимович РЎЗИМАТОВ**, “Ўзбектелеком” АК Тошкент филиали Янгибозор туман телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи **Дилшод Бахтиёрвич МИЛИБОВЕВ**, “Ўзбектелеком” АК Сирдарё филиали Гулистон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси Селектор алоқасига хизмат кўрсатиш гуруҳи 1-тоифали муҳандиси **Александр Самсонович ЦОЙ**, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Бухоро филиали Янгибозор тумани почта алоқаси боғламаси “Кудрашех” алоқа бўлими бошлиғи **Қаюм Каримович САИТОВ**, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Самарқанд филиали Кўшработ почта алоқаси боғламаси марказий амалиёт зали бошлиғи **Абдухолиқ Раджабович БУТАЕВ**, Муҳаммад ал-Хоразмий

номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети телекоммуникация технологиялари факултети декани **Алишер Шопатхиддинович ШАҲОБИДДИНОВ**, АТБ “Алоқабанк” Самарқанд филиали Ҳисоб-амалиёт бўлими бош бухгалтери **Шоиста Амоновна МАМАТҚУЛОВА**, “Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” ДУК Андижон радиотелеузастиш маркази Чуст радиотелевизион станцияси бошлиғи **Тулқинжон Султонмуродович КОСИМОВ**, “Электромагнит мослашув маркази” ДУК Жиззах вилояти Электромагнит мослашув хизмати 1-тоифали муҳандиси **Мирза Бердиевич АШИРМАТОВ**, “ALSKOM” СК АЖ Суғурта давлоларини бартараф этиш департаменти менежери **Нигора Равазнавна АБДУВАХАПОВА**, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ташкилий назорат бошқармаси Девонхона мудир в.б. **Роза Умаровна ТЕМУРГАЛИЕВА**, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ахборот хавфсизлиги тизимларини ривожлантириш бошқармаси ахборот хавфсизлиги тизимларини жорий қилиш бўлими бошлиғи **Жавлон Сотиболдиевич АБДУЛЛАЕВ**, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси Электрон давлат хизматларини ривожлантириш бўлими бошлиғи **Хуршид Фархадович КАМИЛОВ**, Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўлими Гғона интегратор – UZINFOCOM МЧЖ Тизимли таҳлил ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш гуруҳи координатори **Зарина Рақимова ЮЛДАШЕВА**, “Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази” ДУК Телекоммуникация тармоқларини бошқариш бўлими етакчи муҳандиси **Азиз Миргазамович ЯХЯЕВ**, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги АКТ йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ўқув ишлари бўйича

директор ўринбосари **Дилрабо Тажибоевна ДАВИДОВА**, “Дастурий махсус лотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ Резидентларни қўллаб-қувватлаш бўйича директорнинг биринчи ўринбосари **Амир Фазлиддинович МАРДИЕВ**, UMS МЧЖ Бош директорнинг сотувлар ва маркетинг бўйича ўринбосари **Лола Юрвна ФИЛАТОВА**, UNITEL МЧЖ Тармоқ эксплуатация хизмати раҳбари **Асан Ремзиевич АБДУРАҲМАНОВ**, COSCOM МЧЖ Мобил тармоғини эксплуатация қилиш бўлими бошлиғи **Мирсаид Мирқамилович МИРФАЙЗИЕВ**.

“ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ” белгиси билан

“Ўзбектелеком” АК Андижон филиали Андижон шаҳар телекоммуникация боғламаси 226-АТС кабелчи пайвандловчиси **Эркинбой Аббасович МАНСУРОВ**, “Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали Нуробод тумани телекоммуникациялар боғламаси 2-тоифали техниги **Пулат Худайбердиевич ИМАМОВ**, “Ўзбектелеком” АК Бухоро филиали Шаҳарлараро алоқа телефон станцияси участка бошлиғи **Агамурод Реджепурдиевич ИТАЛМАЗОВ**, “Ўзбектелеком” АК Навоий филиали Навбахор тумани телекоммуникациялар боғламаси линия-кабел хўжалиги электромонтёри **Дадажон Ерғашбоевич РАИМОВ**, “Ўзбектелеком” АК Сурхондарё филиали Шўрчи телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи **Комилжон Абдуллаевич МАЛЛАЕВ**, “Ўзбектелеком” АК “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали Янгибод телефон боғламаси Тубдан ва жорий таъмирлаш участкаси кабелчи пайвандловчиси **Александр Николаевич НЕДЕЛКОС**, “Ўзбектелеком” АК “Бош коммутация маркази” филиали Коммутацион тизимларини бошқариш хизмати телефон тармоқларини бошқариш сектори олий тоифали муҳандиси **Мурат Юсуфович МУСАБЕКОВ**, “Ўзбектелеком” АК “Ахборот тизим-

лари” филиали АТ инфратузилмасини эксплуатация қилиш хизмати тармоқ инфратузилмасини бошқариш сектори олий тоифали муҳандиси **Элшод Дилшод ўгли АБДУСАМИЕВ**, “Ўзбектелеком” АК Қорақалпоғистон филиали бош бухгалтери **Гаухар Шарипбаевна ИСЛАМОВА**, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қорақалпоғистон филиали Нукус шаҳар почта алоқаси боғламаси “Нукус-3” алоқа бўлими оператори **Калбазар Сарсенбаевна ДЖУМАРАТОВА**, “Ўзбекистон почтаси” АЖ “Тошкент почтамати” филиали Мирзо Улуғбек туманлараро почта алоқаси боғламаси 164-алоқа бўлими почтачиси **Елена Николаевна РОДНОВА**, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Фарғона филиали Фарғона шаҳар почта участкаси 5-алоқа бўлими бошлиғи **Фаридажон Ганиевна КАРИМОВА**, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Сурхондарё филиали Термиз шаҳар почта алоқаси боғламаси “Мангузар” алоқа бўлими 3-тоифали почтачиси **Муқаддам Курбонбоевна ЧОРШАНБИЕВА**, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи **Ойбек Турабоевич АЛЛАМОВ**, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали “Ахборот-таълим технологиялари” кафедраси катта ўқитувчиси **Хауахан Сулаймановна ОМАРОВА**, АТБ “Алоқабанк” Самарқанд филиали бошлиғи **Толибжон Рустамович МАМАТҚУЛОВ**, “Республика махсус алоқа боғламаси” ДУК Хукумат тадбирларига хизмат кўрсатиш, овоз кучайтириш ва синхрон таржима билан таъминлаш бўлими 1-тоифали алоқа муҳандиси **Дмитрий Алексеевич ШИШКОВ**, Давлат фелдъегерлик хизмати Фелдъегер-ҳайдовчиси **Жаҳонгир Тохтамуратович ЮСУПОВ**, Тошкент шаҳридаги ИНХА университети Иқтисодиёт ва тарифлар бошқармаси иқтисодий прогнозлаштириш ва тарифлар бўлими бош мутахассиси **Лаазиз Шоймардонович АШУРОВ**, “Дастурий махсус лотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ “Ахборот технологияларини ривожлантириш маркази” МЧЖ директори в.б. **Нодир Турдимуродович АЛИБЕКОВ**, “Алоқалойиҳа” ДУК Фойдаланиш ва хўжалик бўлими III тоифали хайдовчиси **Ҳамидулла Авғанович ЭШАНКУЛОВ**.

Мукофотлар қутлуг бўлсин!



ИДОРАВИЙ МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасининг юқори даражада юксалиши ҳамда равнақи йўлида фаолият юритаётган, соҳанинг ривожланишига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшиб келётган соҳа ходимлари Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг идоравий мукофотлари билан тақдирланди. Бу йил ҳам шундай бўлди.

Хусусан, уч нафар соҳа ходими – “Ўзбектелеком” АК “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали Миробод телефон боғламаси линия-кабел иншоотлари цехи 252/256-ЭАТС электромонтёри **Самигов Аҳмадjon Нигмонович**, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали директори **Маҳмудов Ариф Баҳодирович**, “Республика махсус алоқа боғламаси” ДУК Хукумат тадбирларига хизмат кўрсатиш, овоз кучайтириш ва синхрон таржима билан таъминлаш бўлими 1-тоифали алоқа муҳандиси **Мусаев Аброр Умидович** “Моҳир алоқачи” фахрий унвонига сазовор бўлди.

Шунингдек, вазирлик тизимида намунали фаолият кўрсатаётган 23 нафар ходим “Фахрий ёрлиқ” билан, яна 21 нафар ходим “Ўз касбининг устаси” белгиси билан тақдирландилар.

Вазирликнинг махсус мукофотлари жойларда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги раҳбарияти томонидан тантанали равишда топширилди. Уларга раҳбарият, ҳамкасблари томонидан эзгу тилаклар билдирилди.

Ушбу мукофотлар тизимида меҳнат қилаётган ҳар бир ходимга улкан шараф ва масъулият юклаши, уларни янги марралар сари рўҳлантириши шубҳасиз.



4 ЭЪТИРОФ



ЯНАДА ШИЖОАТ БИЛАН МЕХНАТ ҚИЛАВЕРАМИЗ

Шухрат СОДИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби:

— Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасида қарийб 30 мингга яқин ходимлар меҳнат қилади. Жудаям катта куч ва салоҳиятга эга жамоа. Кейинги икки йилда соҳада барча йўналишларда ишлар олиб борилди. Ҳамкасбларимиз “Биз — бир оиламиз, биз — бир жамоамиз” ширини ўзларига дастуриламал қилиб олишган. Ютуқлар ҳам аста-секин буй кўрсатмоқда. Олдимизда эса улкан вазифалар турибди.

Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллиги байрами арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз

қатори давлатимизнинг юксак мукофоти — “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирландим. Албатта, буни соҳанинг барча жонкуяр ходимларига берилган рағбат, деб ҳисоблайман. Бу эҳтиром бизни янада шижоат билан меҳнат қилишга ундайди. Ўз навбатида, бу ишончни оқлаш учун буюр куч-имкониятларимизни ишга солаемиз.

Фурсатдан фойдаланиб, давлатимиз ҳамда соҳанинг идоравий мукофотлари билан тақдирланган барча фидойиларни табриклайман. Ишларида улкан ютуқлар, ўзларига мустаҳкам соғлиқ тилайман.

ЭЪТИРОМ

32 йил..... бу рақамни оғзаки айтиб қўйишимиз осон, аммо ушбу йиллар ичида қанча меҳнат, қанча заҳматлар ётади. Почта алоқаси соҳасида ўз иш фаолиятини 1988 йилда бошлаган Умида опанинг камтарона меҳнатлари давлатимиз томонидан мукофотланди. Опа “Шухрат” медали соҳиби бўлди.

РАҒБАТ АДОЛАТ МЕЗОНИ



— Очиғи бу мукофот филиал томонидан илк мартабали олиниши. Ҳамкасбларимиз, жамоадошларимиз билан жуда хурсанд бўлдик. Чунки, бу эътироф почта соҳасига бўлган эътиборнинг яна бир намунаси бўлди. Албатта, жамоамизда мукофотларга лойиқ инсонлар кўп. Мен ҳар бир соҳа жонкуярини ана шундай эътирофга сазовор бўлишини истардим! Энди насиб қилса, Умиданинг издошларини кўпайтирамиз, — деди қалби ҳаяжонга тўлган “Ўзбекистон почтаси” АЖ Хоразм филиали директори вазифасини вақтинча бажарувчи Мадраҳимбой Мадримов.

Умида Ражабова 2017 йилдан бери “Ўзбекистон почтаси” АЖ Хоразм филиали Урганч почта алоқа боғламаси “3-алоқа” бўлими бошлиғи лавозимида фаолият юритмоқда. Бугун унинг ўзи устоз, аммо, шундай бўлсада устози Меҳрибон опа Бобонова билан елкама-елка туриб соҳа ривожини учун жонбозлик қилмоқда. Жонкуярлар уста ва шогирд аъёнларини бардавомлигини таъминлаш йўлида фидокорона меҳнат қилишяпти.

—Тўғриси айтсам ҳеч кутмагандик. Айни пайтда шогирдимнинг ютуғидан ҳам хурсандман ҳам ҳаяжондаман. Бу ютуқ бардавом

бўлсин. Барча шогирдларимиз давлатимиз эътиборига, эътирофига сазовор бўлишларини тилаб қолам. Устоз сифатида соҳамиз ривожига қобилиятли, шижоатли касбдошлар, шогирдлар тайёрлашда давом этаемиз, — деди кўзида хурсандчилик ёшлари ила Умиданинг устози Меҳрибон Бобонова.

Меҳнатга яраша рағбат, адолат мезонидир. Унга садоқатинг, меҳнатинг ила эришасан. Узун сатрли умр йўлида қоқиласан, йиқиласан. Лекин сабр қилсанг, муваффақият сен томонда бўлади. Қахрамонимиз бу кунларни узоқ кутгани айни ҳақиқат.

— Кечкурун телефон бўлди. Бошлиғимиз ҳаяжон билан мени табриклади. Ҳайрон бўлдим, ишонмадим. Тўғриси бунақа янгилик одамни эсанкиратиб ҳам қўяркан, албатта яхши маънода. Шу кунни кўнгируқлар кети узилмади. Яхши кунларимда ўзимдан ортиқ суюнган ҳамкасбларим учун ҳам астойдил меҳнат қилишим, уларнинг ишончини оқлашим кераклигини яна бир бор англадим. Ва шу ўринда камтарона меҳнатларимни мукофотга лойиқ кўрган Президентимизга ўзимнинг миннатдорлигимни, раҳматини айтиб қоламан, — дейди “Шухрат” медали соҳибаси, Умида Ражабова.

ЭЪТИБОР ОЛГА ИНТИЛМОҚҚА МОТИВАЦИЯ БЕРАДИ

Сергей Дмитриевич Ли Гурлан телекоммуникациялар боғламаси қишлоқ телефон станцияси муҳандиси лавозимида 38 йилдан бери фаолият юритади. Бу вақт оралиғида ўзи сингари жонкуяр шогирдларни етиштирди. Ўз касбининг устаси бугун ҳудудда алоқа хизматини яхшилаш, соҳага янги технологияларни жорий қилиш, ёш мутахассис кадрларни тарбиялаш борасида самарали меҳнат қилиб келмоқда.



Боғламада аҳолига ва корхона, ташкилотларга йилига 492 млн. сўмлик халқаро, маҳаллий телекоммуникация ва интернет хизматлари кўрсатилади. Туманда 4152та телефон, 1210та интернет порти мавжуд. Ҳозирда корхонада 39 нафар ходим меҳнат қилмоқда.

Сергей Ли истеъмолчиларга техник хизмат кўрсатиш ишларини комплекс тарзда ташкил қилиб, туман маркази ва чекка қишлоқларда жаҳон андозларига мос янги русумдаги рақамли автомат-телефон станцияларини ўрнатишда жонбозлик кўрсатмоқда.

— Мен ҳеч қачон мукофот, рағбатлантиришларни кутмаганман. Меҳнат қилишни яхши кўраман. Фарзандларим ва шогирдларини ҳам меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга ҳаракат қиламан. Қалбингизда эзгулик бўлса, чин дилдан меҳнат қилсангиз унинг мукофоти бўларкан. Мана давлатимиз томонидан “Дўстлик” орденига лойиқ кўришди. Бу эътироф янада масъулият билан ишлашимизга туртки бўлади, мотивация беради...

У ўзининг иш фаолияти давомида Гурлан телеком-

муникациялар боғламасида телефон нуқталарининг кўпайишида, марказий ва қишлоқ автомат-телефон станциялари билан боғлаш линиялари ҳамда қурилмаларининг сифатли ишлашини таъминлашга катта ҳисса қўшган. Шунингдек, 9 км. телефон каналлаштириш ишлари ҳамда капитал таъмирланиб, 1210та интернет мижозларига хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

Сергей Ли туманда қурилган 50 км. узунликдаги оптик толали кабел линияси, қишлоқлардаги 3та рақамли автомат-телефон станциялари қурилиши, 4та автомат-телефон станциялари мукамал таъмирлашда фаол қатнашиб самарали натижаларни кўрсатган.

Туманда аҳолига сифатли алоқа кўрсатиш мақсадида “Ucell”, “Beeline” уяли телефон алоқаси компаниялари билан ҳамкорликда қишлоқ жойларда янгидан 10дан ортиқ станциялар ва антенна мачталари ўрнатишда ҳамда тармоқларнинг ишга туширилишида, электр таъминоти билан таъминлашда бемин-

нат ёрдам кўрсатди. Вазир, Эшимжирон ва Хизир Эли қишлоқларида Хитой билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган “Коинот СГМ” русумли электрон автомат-телефон станциялари қуриб ишга туширилишида фаол иштирок қилди. Кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида қахрамонимиз 30дан ортиқ ёшларга ўзининг касб маҳоратини ўргатган. Сўнгги уч йилда унинг 8та шогирди Гурлан туман телекоммуникациялар боғламасига ишга қабул қилинган.

Сергей Ли ишлаб чиқаришдаги юқори кўрсаткичлари, самарали меҳнати билан камтар инсон сифатида меҳнат жамоаси ҳамда туман фаоллари ўртасида катта ҳурмат қозонган замондошларимиздан саналади.

Нилуфар ЖАББОРОВА,
“Хабар”нинг Хоразм вилоятидаги мухбири



СИНОВЛАРГА БОЙ ДАВР

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларда ижтимоий йўналишдаги ишларнинг салмоғи ошиб бормоқда. Мактабгача таълим, мактаб ва соғлиқни сақлаш муассасалари учун янгидан-янги бинолар қурилиб, замонавий инфратузилмалар барпо этилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг қатор қарорларида ижтимоий соҳа муассасаларида телекоммуникация инфратузилмаларини тубдан яхшилаш вазифалари ҳам кўзда тутилган. 2020 йил – синовлар йилида пойтахтлик соҳа ходимлари зиммаларидаги вазифаларни қай даражада удалашмоқда? Дастлабки олти ойлик сарҳисоби ана шу ҳақда.

Ўтган даврда "Ўзбектелеком" АК "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали томонидан 458та мактабгача таълим муассасасига 216,1 км., 319та мактабга 129,7 км., 157та соғлиқни сақлаш муассасасига 216,6 км. оптик толали алоқа линияси тортилди. 242та МТМ юқори тезликдаги интернетга уланган, пойтахтдаги барча мактаб ва соғлиқни сақлаш муассасалари юқори тезликдаги интернетга уланган.

2020 йил давомида Тошкент шаҳридаги 155та база станциясини модернизация қилиш, 108та янги база станциясини ўрнатиш режалаштирилган эди, биринчи ярим йилликда мобил алоқа операторлари томонидан 120та база станцияси ўрнатилди. Мобил алоқа фойдаланувчилари сони 4,3 млн. (2019 йил якунида 4,28 млн.)га етди. Тошкент шаҳрида 2G, 3G ва 4G қамров даражаси 100 фоизни ташкил этмоқда.

Учинчи ташаббус

Давлатимиз раҳбари томонидан республикаимиздаги ёшларга катта аҳамият берилиб, "Ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш" бўйича бешта муҳим ташаббус илгари сурилган.

Учинчи ташаббус (аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш) доирасида Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан жойларда кенг миқёсдаги тадбирлар, компьютер ва робототехника бўйича тўғарақлар, компьютер саводхонлиги ҳамда киберспорт бўйича мусобақалар уюштирилмоқда.

Жами 48 маротаба турли йўналишларда тадбирлар ўтказилиб, 4 390 нафар ёшлар қамраб олинди, уларнинг 237 нафари совринли ўринларни эгаллаб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Тошкент шаҳридаги "Билим" ахборот-кутубхона маркази тасарруфидagi "Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўпон" номидаги кутубхона биносида Олмазор Рақамли технологиялар ўқув маркази ташкил этилган. Марказга иккита хона ажратилган бўлиб, 26 донa компьютер жамланмаси, ўқув адабиётлари ва юқори малакали икки нафар ўқитувчи бириктирилган. Бугунги кунгача ўқув марказида 95 нафар тингловчи компьютер саводхонлиги бўйича ўқиб, сертификатларга эга бўлди.

2020 йил якунига қадар Тошкент шаҳридаги 233 747 нафар 7–11 синф ўқувчиларини "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида ўқитиш ва ўқишни муваффақиятли яқунлаган тингловчиларни Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетидаги онлайн тизим орқали ўқишга қабул қилиш белгиланган.

Учинчи ташаббус доирасида 2020 йил 20 январ куни Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан Тошкент шаҳрида жойлашган 21, 23 ва 30-сонли Мехрибонлик уйларига 38та замонавий компьютер жамланмаси совға қилинди. Бундан ташқари, Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларига вазирлиқнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси "ҳамда вазирлик тизимидаги корхоналар, "Ўзбектелеком" АК "ТШТ" филиали ва "UZDIGITAL TV" МЧЖ томонидан спорт анжонлари тақдим этилди.

Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини ошириш мақсадида 2020–2021 йиллар давомида Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактаб ҳудудида IT-марказ ва Юнусобод тумани ("Ўзбекистон почтаси" АЖ биносида) IT-академия ишга туширилиши режалаштирилган.

Рақамли иқтисодиёт ва тадбиркорлик

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 мартдаги қарори билан Вазирлар Маҳкамаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Рақамли Тошкент" комплекс дастурини амалга ошириш белгилаб берилган.

Дастур билан шаҳар хизматларини бошқариш, ижтимоий соҳа объекти, ишлаб чиқариш, йўл транспорт ва коммунал инфратузилманинг интеграциялашган ахборот муҳитини яратиш ва кейинчалик муваффақиятли тажрибани республиканинг бошқа ҳудудларида татбиқ этиш белгиланган.

"Рақамли Тошкент" комплекс дастурида 2020–2021 йилларда жорий этилган ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар (33та) ҳамда телекоммуникация инфратузилмасини кенгайтириш (9 та) бўйича жами 42та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган.

Жумладан:

● "Электрон соғлиқни сақлаш" комплекс ахборот тизими доирасида етти та, жумладан, "Ягона электрон тиббий карта" ахборот тизимини, Туғилиш ва ўлим ҳолатларини электрон рўйхатга олиш ягона тизимини, "Лабатория" ахборот тизимини жорий этиш;

● "Таълим" комплекс ахборот тизимида бешта, жумладан, "Болалар бочаси" намунавий ахборот тизими, "Электрон кундалик" ягона тизимини, масофавий таълим тизимини жорий этиш;

● "Коммунал" комплекс ахборот тизимида бешта, жумладан, "Менинг уйим" ягона ахборот тизими, "Уй-жой коммунал" намунавий ахборот тизимини жорий этиш;

● Тошкент шаҳри "Геопортал" комплекс ахборот тизими доирасида тўртта, жумладан, географик ахборот-таҳлилий тизим ва геопортал яратиш, Тошкент шаҳрининг рақамли харитасини ўз ичига олувчи геоахборот тизими, Шаҳарсозлик кадастри геоахборот тизимини жорий этиш;

● "Қурилиш" комплекс ахборот тизими доирасида "Қурилиш жараёнини мониторинг ва назорат қилиш" ахборот тизимини жорий қилиш.

● "Транспорт" комплекс ахборот тизими доирасида учта, жумладан, авиа, темир йўл ва бошқа транспорт хизматларида электрон чипталарни онлайн сотиб олиш ягона ахборот тизими, автоматураргоҳларнинг ягона реестрини яратиш ва онлайн-тўлов имкониятини жорий этиш;

● "Электрон ҳокимият" комплекс ахборот тизими доирасида бешта, жумладан, "Халқ назорати" электрон портали ва мобил иловаси, муниципал активларни бошқариш ахборот тизими, шаҳарсозлик, архитектура ва қурилиш жараёнини бошқариш ахборот тизимини жорий этиш;

● "Экология" комплекс ахборот тизими доирасида "Ҳавонинг сифати" ахборот тизимини жорий этиш;

● "Савдо ва туризм" комплекс ахборот тизими доирасида иккита: "Бозор нархи" ахборот тизимини жорий этиш ва "E-Mehmon" тизимини такомиллаштириш лойиҳаларини амалга ошириш белгиланган.

Бугунги кунга келиб юқорида санаб ўтилган лойиҳалардан 9таси: "Электрон поликлиника", "Электрон кундалик" (kundalik.com), Шаҳарсозлик кадастри геоахборот тизими (dshk.uz), Авиа, темир йўл ва бошқа транспорт хизматларида электрон чипталарни онлайн сотиб олиш (uztrans.uz), Автоматураргоҳларнинг ягона реестрини яратиш ва онлайн-тўлов имконияти, "Халқ назорати" электрон портали (hokim.tashkent.uz), "Маҳалла" ягона ахборот тизими ва "E-Mehmon" тизимлари синов тариқасида ишга туширилган.

Эпидемияга қарши

Республикаимизга коронавирус эпидемиясининг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан Ҳукумат топшириғига асосан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент шаҳар бошқармалари билан бирга Тошкент шаҳрида Республика тез тиббий ёрдам мувофиқлаштириш ва шаҳар тезкор тез тиббий ёрдам штаблари ҳамда 1003, 1105 қисқа рақамли COVID-19 ва 1197 қисқа рақамли ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштирувчи "Call-center"лар ташкил этилди.

Коронавирусга қарши курашиш республика марказий штаби Ўзбекистон Миллий кутубхонаси биносида ташкил этилиб, 23та компьютер жамланмаси 100 Мбит/с. тезликдаги интернет тармоғига виолетлар билан видеоселектор ташкил этиш учун уланди.

Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар бошқармаси биносининг 2-қаватида 40 ўринга эга 1105 қисқа рақамли COVID-19 ҳамда 30 ўринга эга 1197 қисқа рақамли ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш ва волонтер марказларига мурожаатларни қабул қилиш "Call-center" марказлари ташкил этилди. Шунингдек, аҳолининг барча қатламига бирдек хизмат кўрсатиш мақсадида эшитиш ва гапиришда нуқсонли бор фуқаролар учун алоҳида операторлар ажратилиб тизим йўлга қўйилган.

Ҳомийлик йўли билан йиғилган хайрияларни тарқатиш учун "Наврўз" ресторани биносида қўшимча жой ажратилди. Бу ерда йиғилган хайриялар тегишли манзилларига етказиб берилмоқда. Мазкур биного 11та компьютер жамланмаси учун локал тармоқ ташкил этилиб, 100 Мбит/с. тезликдаги интернет тармоғига уланди.

Шунингдек, жорий йил 9 июлдан "Ўзбектелеком" АК негизида "1105" қисқа рақамига "Call-центр" ташкил этилди (1 август ҳолатига 101 875 кўнғироқ бўлган, шундан 76 894 ортиқ кўнғироқларга бепул хизмат кўрсатилган).

Жорий йил 14 июлдан Ёшлар ишлари агентлигининг Тошкент шаҳар марказида "1197" қисқа рақамли "Call-центр" ташкил этилди (30 нафар оператор учун иш ўрни ташкиллантирилди) ва республиканинг барча ҳудудларидаги хайрия марказларида кириш кўнғироқларини бепул қабул қилиш йўлга қўйилди (Тошкент шаҳрида 1 август ҳолатига 635 мингдан ортиқ кўнғироқлар бепул қабул қилинган).

Шу билан бирга "1197" қисқа рақамига келиб тушадиган аризаларни электрон кўринишда қабул қилиш ва уларнинг рўйхатини юритиш бўйича ахборот тизими ишга туширилди. (delivery.track.uz).

6 К 29-ЛЕТИЮ НЕЗАВИСИМОСТИ

ЦИФРОВАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЭКОНОМИКИ:

РЕЗУЛЬТАТЫ,
ПЕРСПЕКТИВЫ И ПЛАНЫ

В газете "Правда Востока" 29 августа 2020, №183 опубликовано интервью с министром по развитию информационных технологий и коммуникаций Шухратом Садиковым.

В ходе беседы были обсуждены актуальные вопросы — роль и значение цифровой экономики в дальнейшем развитии Узбекистана, достигнутые результаты и влияние пандемии COVID-19 на отрасль информационно-коммуникационных технологий.

(Статья печатается в сокращенном виде.)

— Для начала давайте определим, что такое «цифровая экономика»? В чём её преимущества по сравнению с «традиционной» экономикой?

— Термин «цифровая экономика» для современной науки относительно новое понятие. Долгие годы экономика рассматривалась под традиционным углом, где существовали устоявшиеся модели межличностных взаимоотношений и процедур. Но бурное развитие информационно-коммуникационных технологий, их глобальное проникновение во все без исключения сферы жизнедеятельности, коренным образом поменяло модели коммуникаций. Благодаря стремительному развитию ИКТ теперь стало возможным совершать все необходимые бизнес-операции и вести документооборот дистанционно с высокой долей эффективности. И уже на данном этапе это происходит и дешевле и значительно быстрее.

Также в современном публичном дискурсе очень часто применяется термин «информационное общество» — тот вид общества, где информация и знания являются наиболее ценным товаром. Именно они, а не исчерпаемые ресурсы, являются сегодня движущей силой развития экономики.

В масштабах всей сферы одним из главных программных документов, определяющих вектор развития ИКТ-сферы на ближайшую перспективу, является постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства». Согласно ему намечено увеличить долю цифровой экономики в ВВП страны к 2023 году в 2 раза и увеличить объём услуг в данной сфере в 3 раза с доведением их экспорта до 100 миллионов долларов. Соответственно, в период 2020-2022 годов запланирована реализация 268 проектов по самым различным направлениям хозяйственной и экономической деятельности.

— Но развитие цифровой экономики в свою очередь требует наличия развитой телекоммуникационной инфраструктуры и обеспечения достаточной скорости интернета. Какая работа осуществляется министерством в этом направлении?

— Сегодня министерством осуществляется целый комплекс мероприятий, направленных на дальнейшее развитие отечественного телекоммуникационного рынка. И за последние два года произошёл каче-

ственный скачок в развитии телекоммуникационной отрасли.

Только, в прошлом году в ходе развития телекоммуникационной инфраструктуры по Республике было установлено 490 тысяч портов широкополосного доступа, и таким образом общее количество портов абонентского доступа достигло 2,5 миллиона единиц. Помимо этого, проложено около 9 тысяч километров оптоволоконных линий включая дополнительное увеличение общей инфраструктуры телекоммуникаций во всех регионах страны.

В результате модернизации существующих производственных мощностей пропускная способность магистральных телекоммуникаций была увеличена в областях в два раза, а в районах — в четыре раза.

Последовательная работа ведется и в сфере повышения доступности мобильной связи и качества мобильных услуг. Только в этом году было установлено 1 375 базовых станций мобильной связи, и таким образом их общее количество по республике было доведено до 27,4 тысячи. В настоящее время охват мобильной связью населения республики достиг 97 процентов, в том числе 78 процентов абонентов пользуются услугами широкополосного мобильного интернета.

С целью дальнейшего развития телекоммуникационной инфраструктуры в текущем году поставлена задача внедрить не менее 800 тысяч широкополосных интернет-портов и проложить 12 тысяч километров оптоволоконных линий связи. Масштабная работа проводится и в плане повышения доступности мобильных услуг для населения. В течение двух лет в регионах будет установлено порядка 4,4 тысяч новых базовых станций мобильной связи. И основное внимание будет уделяться отдаленным населенным пунктам. Охват населения республики широкополосным мобильным интернетом будет доведен до 85 процентов.

Однозначно, в числе первоочередных задач в области развития всей сферы инфокоммуникаций — обеспечение высокоскоростным подключением к интернету объектов социальной сферы — учреждений здравоохранения и образования. Так, к настоящему времени порядка 60 процентов всех социальных объектов (11 875 единиц), в том числе 5 760 общеобразовательных школ, 3 782 дошкольных образовательных учреждений, а также 2 233 объекта здравоохранения обеспечены высокоскоростным интернетом на основе оптоволоконных технологий.

В этом году намечено подключить к высокоскоростному интернету 80 процентов всех общеобразовательных школ, 100 процентов дошкольных образовательных учреждений и объектов здравоохранения. К 2021 году все объекты социальной сферы будут обеспечены высокоскоростным интернетом, в том числе даже в самых

отдаленных населенных пунктах будут созданы условия для доступа к современным телекоммуникационным услугам.

В числе важных задач по дальнейшему развитию телекоммуникационного рынка является также увеличение аппаратных средств и серверных мощностей для хранения виртуальной информации. Исходя из этого в числе важных задач также запланировано увеличение емкости и количества дата-центров по сравнению с нынешними показателями в 10 раз.

Одновременно с этим последовательно снижаются и тарифы за телекоммуникационные услуги. В течение 2019 года стоимость тарифов для провайдеров и операторов на подключение к внешним каналам снизилась с 85 тысяч сумов до 70 тысяч сумов за 1 Мбит/с. А начиная с 1 января 2020 года тариф на внешний интернет-канал для операторов и провайдеров по сравнению с 2019 годом подешевел ещё на 20 процентов и сегодня он составляет 56 тысяч сумов за 1 Мбит/с.

— Пандемия COVID-19 нанесла урон экономике. Как это повлияло на ИКТ-сферу?

— На самом деле, как это ни парадоксально, но режим самоизоляции во всем мире послужил катализатором для развития цифровых технологий. Оказалось, что именно цифровые технологии являются наиболее эффективным инструментом, способным обеспечить работоспособность всех сфер экономики и общественно-социальной жизни, с минимизацией урона.

В нашей стране режим самоизоляции также как и в других государствах заставил пересмотреть подходы к работе государственных органов, бизнеса и жизнедеятельности граждан. И как подчеркнул руководитель страны, именно сейчас, в период пандемии коронавируса, наглядно доказана важность мер по дальнейшему широкому внедрению цифровых технологий в сферу государственного управления, госуслуг, торговли, образования и др. Благодаря этому была обеспечена непрерывность и бесперебойность работы как государственного аппарата, так и отраслей экономики и сфер общественной жизни в целом.

Всем известно, что начиная с марта этого года все телекоммуникационные операторы предоставили бесплатный доступ на электронные образовательные и наиболее читаемые отечественные новостные ресурсы и к официальному веб-сайту по теме коронавирусной инфекции (covidnavirus.uz).

Для предоставления объективной и достоверной информации и оперативного реагирования на вопросы граждан по медицинским вопросам с 16 марта в Ташкенте работает call-центр Министерства здравоохранения с коротким единым номером 1003. Также, все телекоммуникационные операторы и провайдеры предоставили для

граждан бесплатный доступ на указанный номер по всей республике.

С марта на национальном телевидении стартовали трансляции онлайн-уроков под рубрикой «Онлайн-школа». Трансляция видеуроков была организована в открытом режиме через эфирное, кабельное и IP-телевидение, а также посредством дополнительных каналов, транслируемых через наземное спутниковое телевидение для населения, проживающего в труднодоступных и отдаленных населенных пунктах.

Адаптировал свою деятельность и Технологический парк программных продуктов и информационных технологий (IT-Park), успешно переводя свои проекты в онлайн-формат.

В числе важных IT-проектов, реализованных за данный период, можно отметить:

- разработку телеграм-бота Coronavirus Yordam для консультации по вопросам коронавирусной инфекции;
- внедрение новой госуслуги «Абитуриент» на Едином портале для онлайн-регистрации абитуриентов;
- разработка студентами ТУИТ мобильного приложения ImtihonGo для определения места проведения вступительных экзаменов;
- мобильного приложения Self-safety для сохранения социальной дистанции;
- проекта студентов Университета Инха в Ташкенте «Birdamlik» для координации волонтерского движения;
- бесплатные образовательные курсы на узбекском языке совместно с Coursera — одной из ведущих образовательных онлайн-платформ в мире.


Помимо этого, в условиях карантинного режима все телекоммуникационные операторы и провайдеры предложили своим абонентам новые, более выгодные тарифы и внедрили новые услуги в целях создания дополнительных удобств для своих клиентов.

Таким образом, начиная с марта текущего года Министерством и его подведомственными предприятиями были предприняты все возможные меры по защите населения страны от негативных последствий пандемии, смягчения её негативного воздействия на отрасли экономики.

Как мы видим из приведенных фактов, что цифровая экономика — это всеобъемлющее понятие, охватывающее все без исключения отрасли хозяйства и сферы жизнедеятельности. И в свою очередь, Министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций осуществляется масштабная и комплексная работа, направленные на полное и комплексное преобразование экономики Узбекистана и дальнейшее повышение конкурентоспособности и привлекательности имиджа страны на международной арене.

Беседовала Юлия САРЫМСАКОВА.
«Правда Востока».

СИФАТЛИ АЛОҚА СИФАТЛИ МЕҲНАТ ДЕГАНИ



Ахборот-коммуникация технологияларини ҳаётнинг ҳар бир жабҳасига кириб бориши, аввало, телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришга талабнинг ортишида намоён бўлмақда. Шунингдек, янги технологиялар дунёда шиддат билан жорий этилиб борар экан, мазкур масалада соҳа олдидаги масъулият бир неча марта ортишга олиб келяпти. Тошкент вилоятида ҳам телекоммуникация тармоқларини, инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолига сифатли алоқа ва интернет хизматлари етказиб бериш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

База станциялари кўпайтирилди

Жумладан, "Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали тасарруфидида 251та рақамли телефон станциялари мавжуд бўлиб, монтаж сифими – 177 080 портни ташкил этмоқда. Бугунги кунда, вилоят аҳолисининг симли интернет тармоғига уланган уй хўжаликлари сони 81,2 мингтани, мобил интернетдан фойдаланувчилар сони 1 010,3 мингтани ташкил этади.

2020 йил 1 августга қадар 2 809 км. оптик толали алоқа кабеллари ётқизирилиб, вилоят бўйича оптик толали алоқа линияларининг жами узунлиги 6 655 км.га етказилди. Тармоқ ўтказувчанлик даражаси вилоят марказига 200 Гбит/сн, ҳар бир туман марказларига 40 Гбит/сн ташкил этмоқда.

Тошкент вилоятида инфратузилма объектларига оптик толали алоқа линияларини қуриш бўйича 623та умумтаълим мактаблари, 378та мактабгача таълим ва 209та соғлиқни сақлаш муассасалари замонавий мулти-сервис телекоммуникация хизматлари кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида 1 505 км. оптик толали алоқа линиялари қурилди.

Вилоят аҳолисига қулай шарт-шароит яратиш мақсадида барча аҳоли масканларига симли алоқа етиб бориши билан биргаликда, мобил алоқа ва мобил интернет хизматларини яхшилаб бериш чоралари кўрилмоқда – жорий йилнинг ўзида мобил алоқа операторларининг 126та база станцияси ўрнатилиб, 484та база станциясида такомиллаштириш ишлари амалга оширилди.

Рақамли технологиялар ўқув марказлари ёшлар ихтиёрида

Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусни амалга оширишдоирасида вилоятда бешта Рақамли технологиялар ўқув маркази ташкил этилгани, жумладан, Бўка, Пискент, Оққўрғон ва Қўйичирчиқ туманларида ҳамда Янгийўл шаҳрида ўқув марказларининг фаолият кўрсатаётгани ёшлар учун катта имкониятдир. Ушбу ўқув марказларида жами 1500га яқин ёшларга компьютер технологиялари, робототехника, компьютер ўйинлари ва киберспорт бўйича ўқув машғулотлари ўтказилгани ва 863 нафар ёшларга сертификатлар топширилгани ушбу соҳага ўғил-қизларимизнинг қизиқиши юқорилигидан дарак.

Call-centre марказлари – яқин кўмакчи

Коронавирус пандемияси даврида республика миқёсида қисқа рақамли телефон тармоғи "Call-centre" ишга туширилиши аҳолининг узоғини яқин, мушқулини осон қилди. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари марказларида ташкил этилган штабларда 1197 қисқа рақами орқали кириш кўнғироқларини қабул қилиш имконияти яратилди, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг тегишли буйруғи билан вилоятда даволанаётган беморлар ва карантинга олинган шахсларга тиббий маслаҳат бериш учун вилоятнинг 22та шаҳар ва туманларида ташкил этилган "Call-centre" марказларига

қисқа рақамлар (1260 - 1281) бириктирилиб алоқа воситаларини узлуксиз ишлаши таъминланди.

Wi-Fi ҳудудлари ташкил этилди

Маълумки, пандемия сабаб бу йил мактаб ва олий ўқув юрталарида ўқиш онлайн тарзида олиб борилди. Бу эса аҳолининг интернетга талабини кучайтирди. Шу боис вилоятларнинг барча туманларида Wi-Fi ҳудудлари ташкил этилди. Бўка тумани "Бўстон" МФЙ ҳудудидаги "Бўстон боғи", "Бўстон маданият уйи" ва Ёшлар кутубхонаси ҳудудида, шунингдек, туман мусиқа мактаби, Бўка марказий маданият ва аҳоли дам олиш маскани, Амфитеатр, Ёшлар ижодиёт маркази, Рақамли технологиялари ўқув маркази масканларида, ҳоким секторидида IT-марказ, прокурор, ички ишлар ва солиқ секторларида Wi-Fi ҳудудлари ташкил этилди.

Шунингдек, Пискент, Оққўрғон туманлари ва Янгийўл шаҳридаги Рақамли технологиялар ўқув марказлари учун Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан 19та фан дастурлари тасдиқланди ва ўқув марказлари учун 10 нафар тренер-ўқитувчилар тайёрланди.

Тошкент вилояти халқ таълим тасарруфидидаги умумтаълим мактабларида IT йўналишида ташкил этилган тўғарақларга 23 223 нафар ўқувчи-ёшлар жалб этилган.

Вилоят ҳокимлиги билан биргаликда вилоятдаги мактаб, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларига оптик толали алоқа линиялари

орқали телекоммуникация хизматларини тақдим этиш дастури ишлаб чиқилиб икки томонлама тасдиқланди. Дастур доирасида бугунги кунга қадар 72 фоиз мактаб, 87 фоиз мактабгача таълим ва 84 фоиз соғлиқни сақлаш муассасаларига ҳамма 1 505 км. оптик толали алоқа линиялари қурилди.

ATLAS International

ишончли ҳамкоримиз
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги 3989-сонли қарори билан тасдиқланган йўл харитасига мувофиқ, Германиянинг ATLAS International компанияси билан ҳамкорликда вилоятда фото-видео қайд қилишнинг автоматлаштирилган тизими синов тариқасида ишга тушириш белгиланган. 2019 йил 16 сентябр кун Ички ишлар вазирлиги ва ATLAS International компанияси ўртасида I-босқичда Тошкент вилоятига тегишли қурилма ва ускуналарни етказиб бериш бўйича 11,328 млн. евролик Акцессор шартномаси имзоланди.

Бугунги кунда 10та мобил комплекс ускуналари Nexia-3 русумли автотранспорт воситаларига монтаж қилинди ҳамда мазкур мобил ускуналар техник синовдан ўтказилди. Шунингдек, 2019 йилнинг 19 декабр кун бешта мобил комплекс ўрнатилган автотранспорт воситалари Инвестор томонидан Ички ишлар вазирлиги Тошкент вилояти ИИББга фойдаланишга топширилди.

"Электрон ҳокимият"- дан "Коллектив" модули тизимига

"Электрон ҳокимият" тизimini яратиш бўйича Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан барча хизматлар инвентаризациядан ўтказилиб, ахборот тизимлари комплексининг техник топшириғи ишлаб чиқилди ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан 2018 йил 15 октябрдаги ЭЗ-06-8/7678-сонли Эксперт хулосаси олинган. Дастлабки лойиҳа қиймати 1,5 млрд. сўм этиб белгиланган бўлиб, Тошкент вилояти ҳокимлиги билан "REAL SOFT" хусусий корхонаси ўртасида тузилган шартномага асосан, лойиҳанинг техник топшириғини ишлаб чиқиш учун 100,0 млн.сўм маблағ ажратилган. Мазкур ахборот тизими 0201214-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

"Коллектив" модули тизимида "Ходимлар", "Девонхона", "Ижро назорати", "Қабулхона", "Иш режа", "Юридик бўлими", "Маълумот ва ҳисоботлар" "Рейтинг" каби идоравий иш юритиш жараёнлари автоматлаштирилган.

**Хурсан Йўлдошев,
АКТ вазирлигининг
Тошкент вилояти ҳудудий
бошқармаси бошлиғи**

“**Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан 2018 йил 15 октябрдаги ЭЗ-06-8/7678-сонли Эксперт хулосаси олинган. Дастлабки лойиҳа қиймати 1,5 млрд. сўм этиб белгиланган бўлиб, Тошкент вилояти ҳокимлиги билан "REAL SOFT" хусусий корхонаси ўртасида тузилган шартномага асосан, лойиҳанинг техник топшириғини ишлаб чиқиш учун 100,0 млн.сўм маблағ ажратилган.**”

Ҳашамат деганда кўз олдингизга Султон Сулаймоннинг саройи келмасин. Уйингиздаги исталган нарсага қаранг, масалан, деразага илинган элита пардага. Нега “ЭЛИТА?!” Одийроғи бўлса, дераза устимизга қулайдими?! Ёки тўйхоналаримизга бир назар солайлик: ўша Султон Сулаймоннинг саройининг хижолат эмасми?



ҲАШАМАТГА ЎЧ МИЛЛАТ...

Hera?

Биз шунчалик ҳашамга, дабдабага ўчмизми? Биз учун ташқи чирой шунчалик муҳими? У кетворган кўйлакнинг ичида чиройли қалб бўлиши нечинчи даражада? Брошлар қадалган рўмол тагидаги бошнинг калла эмаслиги ким учун қизиқ? Майли, сиз бу саволларни ўйлаб турунг, унча мен ўзим гувоҳ бўлган воқеаларни айтиб бераман:

1-ҳолат:

Лицейда ўқиганимизда мистер Бакли (Mr. Buckley) деган америкалик ўқитувчимиз бўларди, жуда содда, меҳрибон эди. Қачон қарасак, оёқ кийими бир қарич чанг бўлиб юрарди. У тинимсиз пиёда юрарди; автобусга ҳам, таксиларга ҳам чиқмасди. Қаерга бўлса пиёда кетаверарди, ўз оёғидан миннатдор эди, шекилли. Энди Бухоронинг чанг-тўзон шароитида бунча пиёда юргандан кейин оёқ кийимнинг аҳволини тасаввур қилаверинг. Биз шуни эрмак қилиб кулган пайтларимиз ҳам бўлган. ЛЕКИН ботинкасининг чанги бизга илм беришига тўсқинлик қилмаган, атрофдагиларга меҳр улашишига

тўсиқ бўлмаган, бир етим қизни асраб олишига монелик қилмаган...

2-ҳолат:

Буям оёқ кийими билан боғлиқ экан...

Тошкентдан учган самолёт Франкфурт аэропортига кўнди. Самолётдан аэропортга ўтдик. Юкларимизни кутяпмиз, атрофни кузатиб турибман. Ҳамма одмигина кийинган. Бирор одамнинг устида “йилт” этган зарли кийим йўқ; тошли, безакли либос, аксессуар кўринмайди. Ҳаммани кузатиб келиб, кўзим оёқ кийимимга тушди: оббооо, тошли экан бизники (узок учамиз, оёқлар шишиб кетади деб энг қулайини кийиб олгандим). Худди ҳамма менинг оёғимга қараётгандай туюлди (аслида ҳеч кимнинг биров билан иши йўқ), меҳмонхонага боргач, ечиб сумкага солиб қўйдим, шу билан Тошкентга қайтгунимча киймадим.

3-ҳолат:

Бир мамлакат одамлари кўзга шу даражада ғалати кўринадик, кўпинча юзига, эгни-бошига қарашни хоҳламай қола-сиз, ерга қараб юришга тўғри келади. Ерга қараб юрганда

қизиқ нарсага дуч келдим: улар оёғига кўша-қўша узуклар тақшар экан, эркаги ҳам, аёли ҳам. Кейин эътибор бериб кузатсам, уларнинг тақинчоқ тақмайдигани йўқ экан. Уйи йиқилиб кетаётганининг ҳам билангида бир шода биллакузук, жиддий амакининг ҳам бурнида, оёғида, қўлида, йўқ деганда, қулоғида битта зирак...

Негадир ривожланган давлатларда ҳашаматсиз ҳаёт урф эканлигини сездим. Ҳеч ким уйини баланд қилиб қуришга, машинасини керакли-кераксиз жиҳозлар билан тўлдириб ташлашга ўч эмас. Ҳатто Парижда ҳам ўзига жуда қараб, макияжларни жой-жойига жойлаб қўйган аёлларни де-яр-ли учратмадим. Лекин, аксинча, қолоқ юртларда одамлар ўзини тақир-туқирлар билан алдашини кўрдим (балки мен адашаётгандирман, 10-15 кунда халққа тўлиқ баҳо бериб бўлмас).

Бу билан нима демоқчиман?

Ташқи безаклар эшакни отга айлантормайди, бахтсизни бахтли қилиб бермайди, ақлимизга ақл қўшмайди! Уйингизни қанча безатманг, мусибат келганида улар тўсиқ бўлолмайди.

Коинотда тўй қилсангиз ҳам, ёшларнинг тақдирини чиройли қилиб бермайди. Тилла бозордаги ҳамма тақинчоқларни тақсангиз ҳам, миянгизга бир грамм ақл қўшмайди.

Лекин бу асло қоп кийиб юринг, чайлада яшанг дегани эмас!

Адаштириб юборманг: қулайлик бошқа, ҳашамат бошқа. Уйингиз, машинангиз, ошхона, ишхона, кабинетингизда барча қулайликни яратинг. Бундан фақат ва фақат фойда бор. Лекин ортиқча безакка кетадиган пулни бирор фойдали жойга сарфласак мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Хайрлиси ҳам шу бўлса керак...

Аёлларнинг кийиниши масаласида ҳам шундай фикрлайман: аёл киши ўзи ярашган кийимда гўзал, энг қимматида эмас. Меъёрда, ўзига ярашган кийим кийган, озода, ораста аёллар ҳар доим чиройли.

Яна бахтли инсонлар ҳеч қандай безаксиз ҳам чиройли! Кимнидир чирой очиб юришини истасангиз, унга бахт беринг!

Ойниса ҲОЖИЕВА

“**Аёлларнинг кийиниши масаласида ҳам шундай фикрлайман: аёл киши ўзи ярашган кийимда гўзал, энг қимматида эмас. Меъёрда, ўзига ярашган кийим кийган, озода, ораста аёллар ҳар доим чиройли.**”

➔ **БОЛАЛИГИМ – ПОШШОЛИГИМ**

ОТ ЎРНИГА КУЧУКЧА

Болалигимда Эшмурод тоғамнинг отини сотиб олмоқчи бўлдим. Тоғамнинг хотини чечам отни менга бир даста пулга сотмоқчи эди. Мен ҳар куни кечга яқин челақ кўтариб ҳовлимиздаги олмаларнинг тагига тушганларини терар, уларни сигиримизга бўлаклар берар, эвзига уйимиздагилар Лелиннинг расми туширилган эски пулдан бир дона беришарди. Бу пул аллақачонлар муомаладан чиқарилганини қаердан билай, уларни йиғиб-йиғиб бир даста қилгач, бир куни Эшмурод тоғамнинг уйига бордим.

Қўлимдаги пулни кўрган чечам роса кулди. “Ҳали бу пулларинг кам, бунга мошин олса бўлади, лекин от бермайди” деб айтди. “Унда отни менга беринг, сизлар мошин олсангизлар” десам, улар кўнишмади. Хафа бўлиб уйга қайтаётсам, кўчада қўшнимизнинг

болалари кучуквачча етаклаб юришган экан. Кучукваччага жуда ҳавасим келди, бор пулимни сарфлаб бўлса ҳам уни сотиб олмоқчи бўлдим.

– Қўлингиздаги пулга нима бераркан? – сўрашди қўшнимизнинг болалари.

– Бироз қўшса от, қўшмасанглар мошин беради, – дедим мен.

...Кучукчани олиб уйга борганимда бўлиб ўтган гапларни эшитган уйимиздагилар кулишар, бир мошиннинг пулига келиб-келиб шу арзимас кучукчани олдингми ҳали, деб мени калака қилишарди. Мен эса... Мен эса пулларимга сира ачинмас эдим! Чунки отим бўлмаса-да, энди менинг кучукчам – ажойиб дўстим бор эди!

Байрам АЛИ





УВОЛ

Ошсиз уй бор, жан-жалсиз уй йўқ, дейдилар. Илгари бу мақолни эшитиб, мағзини чақмаган эканми ё унча эътибор қаратмаганми-кан, Ҳафиза ўзганинг бўсағасидан оппоқ либосда ҳатлаб ўтган кундан буён Худонинг берган куни арзимас, майда-чуйда нарсалардан машмаша чиқиб, тўполон бўлиб кетади. Мана, қайнотасиникида кун санаб, ой санаб яшаб юрибдиямки, бир баҳона топилиб, сиз-биз деган оғиз сен-менга бориб, машмашалар тугуни очилиб кетади.

Барака топсин, Ҳафизанинг қайнонаси Гавҳар опа тилла аёл. Келинига ортиқча юмуш буюриб қийнаб ўтирмайди. Гоҳ-ногоҳ Ҳафиза кўнгли тўлмагулик иш бажарса ҳам айрим шаллақи қайноналарга ўхшаб санмамайди, жанжалга баҳона қидирмайди, ўғлига айтириб, туттириб, дўппослатмайди. Ҳафиза эҳтимол шунинг учун ҳам киройи қайнонаси учун чидаб юрган чиқар. Бўлмаса эри Нормамат пиён нақд жаллод бўлмаса ҳам шунақалардан қолишмайди. Ичиб келган куни хотинини тарсакиламаса ё тепмаса, кўнгли тинчмайди. Бу ношукр эрга гап уқтиравериб, насиҳат қилавериб Гавҳар опанинг тили чарчаб кетди. У ёқда отаси Норимжон ака ҳам дўқ-пўписа қилди, бўлмади. Ўрганган кўнгли, ўртанмай қолмас экан. Насиҳату пичинглардан бир мuddат бошини кифтига тортиб юриди-да, яна улфатбозлик, чойхонашинлик қилиб келиб, бояқиш хотинига қафт тортиб юборади. Шўрлик Ҳафиза ҳам сода, ҳам қуёнорак. Бўлмаса, давандирдай икки акаси, шаҳди синмаган отаси бор. Уларга чақиб, эрининг попуғини пасайтирса бўлади. Андиша қилади. Кейин эрта-индин гап чиқиб қолганда миш-мишлар тагида қолиб кетишдан қўрқади. Олдида кўз-қоши полудай ширингина қизи, ўғли бор. Эрта-индин уларнинг бўйи чўзилиб, эс-хушини таниб олишса, кейин "отангни аянг чақтириб дўппослатган" деган гапни эшитишса, неча пуллик обрўси қолади. Йўқ, бу эгри юмушни ўла қолсаям қилмайди. Эрининг калтаклари тагида тил тортиб ўлса-ям зинҳор-базинҳор қилмайди.

Мана, бугун ҳам бечора жувон бир-икки тепки еб, биқинини ушлаб ўтирибди. Пиён эр хотин тўшаб берган юмшоққина кўрпачага узала тушиб хуриллаб ётибди. Олдида яқинлашиб бўлмайди. Қўланса ҳид хонани тутиб кетган. Деразанинг ҳамма дарчалари очиб бўлсам, худди бузук ҳаво шишиб, уйда қамалиб қолгандек. Ўғилчаси отасининг олдида ўрмалашиб, уйғотишга уринади. Зилдай оёқни ушлаб,

кучаниб кўтаргудек бўладию наф тополмагач, бош томонига ўтиб, кетмон узидай катта, оғир панжаларга ёпиша кетади.

– Имм, дада, туйинг...
– Тек тур, индама, – онаси кела солиб, болани даст кўтариб олади-да, ташқарига оёқлайди. Тўғри ошхонага бориб, вақирлаб қайнаётган чойнак тагидаги оловни пасайтиради, унинг ёнидаги қозон қопқоғини очиб, капгир билан овқатни бир-икки қовлаб қўяди. Бола чучук тили билан онасини гапга солади:

– Ая, дадам ашша емийдими?
– Даданг туйиб келган, – зарда билан жавоб қилади онаси.

Шом кўниб, айвондаги чи-роқлар ёнғач, тўрроқдаги супада бутун оила йиғилади. Нормаматдан бўлак ҳамма овқатга юзланади. Биров уни эсламайди ҳам. На Гавҳар опа, на Норим ака "Нормаматни айтиб ке овқатга", демайди. Иссиққина тортилган қуюмки, суюмки таом пок-покиза туширилади. Қайноққина чой томоқни хўллаб, куйдириб ошқозонга тушади. Аммо ҳеч ким Нормаматни лоақал иримигаям эсламайди. Негаки, золим билан бир дастурхон атрофида ўтириб бўлмайди. Унга юзлар меҳр билан боқмайди. Ширинроқ сўз аталмайди. Аммо-лекин бу нисбатларнинг акси ҳаётнинг машаққатларига елка тутаетган, турмуш зарбаларига товуш чиқармай, жимгина бардош бераётган севимли келинга қайтарилади.

– Андак дам олинг, қизим, куни билан тинмадингиз ўзиям, – қайнона меҳрибонлик қилади.

– Худо сиздай келинни берганга шукр, бу аҳмоққа ўзи инсоф берсин, қизим, – ширин сўзини аямайди қайнота. Мана шунинг ўзи малҳам-да Ҳафизага. Ачиётган жонига эм бўлади. Мушт нима? Бир зумлик оғриқда! Бир кўз олдинда ўт чақнаб, танинг да туражак оғриқ зум ўтмай пасаяди, кейин-кейин таққа тўхтайдди. Нима қипти... Ўзини алдайди шўрлик жувон. Ҳафиза ажрашган эр-хотинлар ҳақида эшитган. Она-сига яқин бир кўшниси туппа-тузук яшаб юрган эр-хотин ораси-

ни айриб, келинини қувиб солтополмагач, бош томонига ўтиб, кетмон узидай катта, оғир панжаларга ёпиша кетади.

– Имм, дада, туйинг...
– Тек тур, индама, – онаси кела солиб, болани даст кўтариб олади-да, ташқарига оёқлайди. Тўғри ошхонага бориб, вақирлаб қайнаётган чойнак тагидаги оловни пасайтиради, унинг ёнидаги қозон қопқоғини очиб, капгир билан овқатни бир-икки қовлаб қўяди. Бола чучук тили билан онасини гапга солади:

– Ая, дадам ашша емийдими?
– Даданг туйиб келган, – зарда билан жавоб қилади онаси.

Шом кўниб, айвондаги чи-роқлар ёнғач, тўрроқдаги супада бутун оила йиғилади. Нормаматдан бўлак ҳамма овқатга юзланади. Биров уни эсламайди ҳам. На Гавҳар опа, на Норим ака "Нормаматни айтиб ке овқатга", демайди. Иссиққина тортилган қуюмки, суюмки таом пок-покиза туширилади. Қайноққина чой томоқни хўллаб, куйдириб ошқозонга тушади. Аммо ҳеч ким Нормаматни лоақал иримигаям эсламайди. Негаки, золим билан бир дастурхон атрофида ўтириб бўлмайди. Унга юзлар меҳр билан боқмайди. Ширинроқ сўз аталмайди. Аммо-лекин бу нисбатларнинг акси ҳаётнинг машаққатларига елка тутаетган, турмуш зарбаларига товуш чиқармай, жимгина бардош бераётган севимли келинга қайтарилади.

Нормамат шифокор эркак қабулида хиёл бошини эгиб ўтирди. Унинг сўнги сўзини ҳазм қилолмади шекилли, кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди.

Гавҳар опа ягона келинига иш буюрди.

– Келин, бозордан исмамоқ жағ-жағ опкелдим. Ювиб, пиёз аралаштириб, тўграб ташланг. Бир кўксомса қилайлик.

Ҳафизанинг ичига илиқлик кирди. Сездди. Қайнонаси атайин бозор тушиб, эринмай шуни кўтариб келган. Чунки кўк сомса, бичак Ҳафизанинг жону дили. Яна бу гал шу неъматга бошқоронгу бўлгани ҳам аён. Утган гал қайнонаси бозордан сотиб олиб келганди. Улар ҳам мазали эдию барибир, ўз кўлинг билан пиширганинг бошқача-да, меҳринг ийиб, бажарасан, ширин чиқади. Ҳафиза ҳаяллатмай юмушга шўнғиди. Бир уюм кўкатни обдон чайқаб, ишқалаб ювиб, сўнг тўғрай кетди. Пиёзлардан сарасини ажратиб олиб, арчди. Мурч, зирани ҳам ҳозирлади. Хаамири ни ҳар галгидек қайнонаси

– Озроқ думбадан қолган, шуниям майдалаб тўграб, аралаштирворинг, келинжон, – буюрди Гавҳар опа кўк сомсанинг "кўк"и тайёр бўлгач.

Кечга бориб, одатдагидек оила тамадди учун яна тўпланди. Очил дастурхон устида ҳар бир хўранда олдида алоҳида тақсимчада ҳовури кўтариллаётган кўксомса пайдо бўлди. Норим ака "Бисмиллоҳир раҳмонир ро-

ҳим", дея қўлини таомга чўзди. Кейин оиланинг бошқа аъзолари такрорлашди. Шу пайт дарвоза эшиги даранглаб очилиб, Нормаматнинг сўкингани эшитилди. Ҳамма товуш келган томонга юзланди. Ҳафиза дик этиб ўрнидан турди. Азза-базза қўллари сочиқчага артиб, эрига пешвоз чиқиш учун олдига улошилди. У дарвозахонага этиб улгурмай, рўпарасида Нормамат пайдо бўлди.

– Вой, дадаси келдингизми...
– Қайси гўрда юрибсан, ҳе... – Нормаматнинг зил-замбил қафти Ҳафизанинг бўйнига чарс этиб урилди. Бироқ жувон зарбдан ўзини ўнглаёлмай ёни билан оғиб кетди, боши деворга урилди. Супадагилар оғзи оғзида қолиб бу томонга югуриб келишганда Ҳафиза хушидан кетган эди.

Нормамат шифокор эркак қабулида хиёл бошини эгиб ўтирди. Унинг сўнги сўзини ҳазм қилолмади шекилли, кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди.

– Ҳаммасига ўзим айбдорман, ўзим, – тўнғиллади. – Бечорага зулм қилдим, зулм.

Шифокор индамади. Унга нафратомуз нигоҳини санчиб ўтираверди.

Нормамат шифокор қабулидан чиқиб, навбатчи ҳамширанинг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамай тўғри хотини ётган палатага кириб борди. Икки бемор учун мўлжалланган хонада Ҳафиза кроватда шифтга термулиб ётган экан. У эшик очилгач, ҳеч кутмагани эрининг ночор, забун ҳолда қаршида пайдо бўлганидан андак талмовсираб қолди. Ўрнидан жилиб, оёқларига шиппагини илди. Нормамат кела солиб хотинининг чойшаб тортилган оёқларини қучиб олиб, йиғлаб юборди.

– Мен аҳмоқни кечир хотин, кечир. Болани мен увол қилдим, мен.

Ҳафиза лом-мим демади. Эрининг йиғию аччиқ зардоб ютаётгани, пой-патак бўлаётганини кўриб ҳам бир сўз деёлмади.

Умид АЛИ

10 МУНОСАБАТ

Кимлар кўп болали оила ҳисобланади?

Жорий йилнинг 5 август куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилишида ҳам айнан кўп болали оилаларнинг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш масаласида тегишли қонун қабул қилинди.

Унга кўра, 18 ёшга тўлмаган болалари тўрт нафар ва ундан ортиқ бўлган оила кўп болали оила ҳисобланади. Бунда агар тўрт нафар ва ундан ортиқ болаларидан бир нафари ёки ундан кўпроғи таълимнинг кундузги шаклида ўқиётган ҳамда 22 ёшга тўлмаган бўлса, бу оила ҳам кўп болали оила тоифасига киритилиши таъкидлаб ўтилди.

Қонун ўз йўлига, гап боланинг сонида эмас, сифатда, яъни унга қандай таълим-тарбия беришда, дейдиганлар ҳам бор орамызда. Тўғри, буни инкор қилолмаймиз. Ҳар бир ота-она фарзанди дунёга келганида олам-олам қувончга тўлади. Айниқса, оилада тўнғич фарзанд ўғил туғилса оталарнинг қувончини тасаввур қилаверинг. Аммо ота-оналик масъулияти қувончнинг ўзи билан белги-ланмайди. Афсуски, орамызда ўз фарзандининг қизиқишлари, характери билиш у ёқда турсин, ёшини ҳам билмайдиган оталар борлиги кишини таажубга солади...

Яқинда хизмат сафари билан водийга йўл олдик. Енгил машинада бизга яна уч нафар йўловчи ҳамроҳлик қилди. Ҳамроҳларим шинаванда одамлар экан йўл-йўлакай суҳбатлашиб кетдик. Гап мавзуси болаларнинг ёшига бориб тақалганида бирдан ҳайдовчи кулиб юборди.

– Учта фарзандим бор, икки ўғил бир қиз, – деди фахрланиб. – Лекин уларнинг нечи ёшдалигини, нечани синфда ўқишини билмайман, қизиқмабмана...

– Сизку болаларингизни ёшини билмасиз, ўтган йили бизнинг оилада жуда қизиқ воқеа содир бўлди, – дея гапга аралашди бир ҳамроҳ аёл. – Кенжатоё ўғлим беш яшар. Кўпқаватли уйда турамыз. Ҳар доим эрталаб қизимни мактабга кузатиб, ўғлимни боғчага қўяману ўзим ишга кетаман. Уша куни ишхонамизда тўсатдан мажлис ўтказиладиган бўлиб қолди. Ҳўжайинимга кўнғироқ қилиб, бугун ўғлимни боғчадан олишини илтимос қилдим. Мажлисдан чиқсам, телефонимга ҳўжайиним 20 мартаба кўнғироқ қилибди. Боғча опаси ҳам кўнғироқ қилиб тушолмагач кетма-кет хабар юборибди. Кўнғилмга хавотир тушиб, тарбиячи билан боғлансам, “Ўғлингизни дадаси ҳозиргина олиб кетди. Кеч қолганингизга хабар юборганим”, деди. Соатга қарасам 19дан 30 дақиқа ўтибди. Ҳўжайиним билан боғлансам, “Боланинг группасини айтмабсиз, роса изладим”, деса бўладими. Уйга келсам ўғлим кулиб-

Халқимизни ўз табиатиغا, турмуш

шароитига мос мақоллари жуда кўп. Мисол учун, “Ўнта бўлса – ўрни бошқа, юзта бўлса – юзи бошқа”...

Бу мақолнинг заминиде халқимизга ҳос болажонлик мужжассам.

Оилашуносларнинг фикрича, юртимизда 30-39 ёшдагилар тўрт фарзандли, 21 ёшдан 29 ёшгача бўлганларнинг кўпчилиги икки фарзандли бўлишни хоҳлашар экан.

кулиб воқеани айтиб берди. Уша куни ҳўжайиним ўғлимни қайси группада, боғча опаси кимлигини билмай ҳамма хоналарга кириб бирма-бир эшикларини очиб ўғлимни излаб чиқибди. Ўғлим иккинчи қаватдаги ўрта группага боради. Ҳеч ким келмаётганидан ташвишга тушиб ўтирган ўғлим ойнадан дадасини у ёқдан-бу ёққа юрганини кўриб қолиб, “Дада-жон”, деб қичқириб юборибди. Дадаси ўғлини овозини эшитиб группага кирган ва тарбиячидан уэр сўраб уйга қайтишган. Энг қизиғи нима биласизми, ҳўжайиним бу қилган ишидан уялиш ўрнига менга захрини сочди. “Бундан кейин боғчага ўзингиз бординг. Мажлис-пажлиснинг бўлиб қолса бошиқдан рухсат сўраб келинг”, дея дўқ урди.

– Ана шунақа бизни дадаларимиз жуда меҳрибон. Боғча воқеаси ҳам майлику-я дадасини ажайиб феъли бор, – дедим этди аёл кулиб. – Фарзандларим чақалоқлигида менга умуман ёрдам бермайди. Бола кўтарини, уни овутишни билмайди. Гўёки болани бағрига босиб кўтарса йиқитиб юборар эмиш. Фақат 3-4 ёшга етиб болаларим ўз оёғи билан юрадиган бўлганидан сўнг қўлидан етаклаб кўчага олиб чиқади...

Бола кимники?

Хорижда ҳар бир фарзанд олдида ота-она тенг масъулият ва бурчга эга. Оилада ота ёки она хуллас кимни вақти бўлса бола билан дарс тайёр-

АМЕРИКАДАН ҚАЙТМАГАН “ҚАРҒА”



Ёхуд оталарнинг фарзанд олдидаги бурчи нимадан иборат?

лайди, ўйнайди, сайрга чиқари, китоб ўқиб беради. Боғча ёки мактабдаги мажлисга ҳам ота-оналар келишган ҳолда боришади. Қизининг қизиқишлари, интилишлари ҳақида отаси бемалол у билан гаплаша олади. Бизда эса ажайиб темир қондалар бор. Боғчага болани албатта она олиб бориши керак, мажлисга ҳам она вақт топиши, дарс тайёрлаш, китоб ўқиб беришга ҳам албатта она масъул. Ҳўш шунча масъулият онанинг бўйнида бўлганидан кейин ҳар қандай одамнинг хаёлида саволлар туғилиши табиий. Бола кимники? Отани ёки онаникими? Яқинда бир кўшни эркакни ўз аёлига, болаларингга қара, деб бақираётганини эшитиб қолдим. Бу оилани жуда яхши биламан. Фарзандлари ўғай эмас, ўзлариники. Агар оилада ўғил ёки қиз бирорта ишқал чиқарган бўлса ҳам биринчи бўлиб ота онани уришади, сен болаларингга яхши тарбия бермагансан, дея дакки беради. Бечора аёл ҳам худди ўзи айбдордек елкасини қисади.

Бантик таққан корейс ота

Маҳалламизда корейс миллатига мансуб бир оила яшайди. Иккита қизи бор. Эр-хотин ҳам давлат ташкилотиде ишлайди. Эрталаб эркак қизини боғча олиб бориб қўяди, кечки пайт аёли боғчадан олади. Қачон қарамай поликлиникага ҳам қизларини эр-хотин бирга олиб чиқишади. Ўтган йили

сўнги кўнғироққа қизини олиб кетаётганида қизчасининг бантиги ечилиб кетди. Ойнадан кузатиб турдим, ярим сонияда ота қизининг бантигини тўғри-лаб, худди уйдан қандай тақиб чиққан бўлса ўшандай тақиб қўйди. Демак, уйда ҳам қизининг сочларини тўғрилашга ота ёрдам беради.

Пандемия бошланишидан олдинроқ уйимизга қишлоқдан меҳмон келди. Танишимиз беш яшар қизчасини пойтахтга – шиfoxонага олиб келган экан. Бир пайт қизалоқни аҳволни кўриб, “лўлининг боласими”, деб ҳайрон қолдим. Сочлари тўзиган, кийимлари бир аҳвол. Бечора қизча ёйилган сочларини кўллари билан ушлайвериб терлаб кетган. Маълум бўлишча, йўлда қизча ухлаб қолган ва сочидаги онаси тақиб қўйган қисқичлар ечилиб кетган. Дадаси қисқичларни бир даста қилиб қизчанинг чўнтагига солиб қўйибди. Қисқичларни олиб қизчани сочига тақиб қўйганим бинойидай қиз бўлди. Онанинг кўнғироқ қилганида қизининг ҳолатини айтсам роса кулди.

Биз қиз болага ота меҳри керак деймиз. Қиз меҳрни катта бўлганида отасининг пулидан эмас, ечилиб кетган бантигини тақиб қўяётганида, боғча, мактабдан етаклаб олиб келаётганида, тунда эртақ айтиб ухлатаётганида олади.

Замонавий, маъносиз эртақ

Бир дугонам бундан анча йиллар олдин, яъни фарзанд-

лари ёшлигида оиласида юз берган воқеани кулиб айтиб бергани. Қиш кунларидан бирида у шамоллаб, мазаси бўлмай қолибди. Ҳар куни болаларига ухлашидан олдин эртақ айтиб берар экан. Уша куни ҳўжайинидан “Бугун сиз болаларга эртақ айтиб беринг”, деб илтимос қилибди. Болалар дадаси эртақ айтиб беришини эшитиб роса хурсанд бўлишибди. Аммо дадаси бирорта ҳам эртақ айтишни билмас экан. Кенжатоёй йиғлайвергач ота эртақ бошлабди. Мана янги, замонавий, қисқа ва маъносиз эртақ. “Бир бор экан, бир йўқ экан. Битта қарға бор экан. У зерикиб, Америкага учиб кетибди”. Болалар ҳайрон, эртақнинг давомини кутармиш, ота қолганини қандай тўқишни билмас, она эса кўрпага ўраниб олиб пиқирлаб кулармиш. Уша отанинг болалари улғайиб, балоғат ёшига етишибди. Баъзи-баъзида ўша воқеа эсларига тушиб қолса, “Дада Америкага кетган қарға қачон қайтади?” деб ҳазиллашиб қўярмиш.

Юқоридаги мулоҳазалар орқали эркакларни қоралаш, айбладан йироқмиз. Кундалик ҳаётимизда содир бўладиган, ҳаммамизга таниш ҳолатларни қоғозга туширдик, холос. Зеро, бугун ўзимиз нима эксам, эртақ шуни ўришимизни унутмасак бўлгани.

Нигора РАҲМОНОВА,
журналист

12 АЛОҚА ОЛАМИДА



ИЛОВАЛАР

ZOOM КОМПАНИЯСИ БИР КУНДА 32 ФОИЗГА ҚИММАТЛАБ, АСОСЧИСИ \$5.2 МИЛЛИАРДГА БОЙИДИ



Zoom компанияси 31 август кунни ўз молиявий ҳисоботини эълон қилди.

Ҳисоботда қайд этилишича, Zoom жорий йилнинг иккинчи чорагида ўз даромадини 664 миллион долларга етказган: бу ўтган йилгига нисбатан нақ 355 фоизга ўсиш (!) деганидир. Шунингдек, компаниянинг соф фойдаси ҳам ошиб, салкам 186 миллион долларни ташкил этган.

Булардан ташқари, Zoom сервисининг мижозлар базаси ҳам ошган – ҳозирда 370 мингдан ортиқ компания видеоалоқа воситаси сифатида айнан ундан фойдаланади.

Таъкидлаш керакки, бу ўтган йилнинг шу давридаги қараганда 458 фоизга юқори кўрсаткичдир.

Молиявий ҳисобот эълон қилинган, Zoom акциялари қимматлаб кетди, натижада компания қиймати ҳам 32 фоизга ошди. Компания асосчиси Эрик Юан бир кунда нақ 5,2 миллиард долларга бойиди.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚ

TWITTERда ЎЗИГА ХОС РЕКОРД ЎРНАТИЛДИ

“Қора пантера” филмида суратга тушган америкалик актёр Чедвик Боузманинг вафот этгани ҳақидаги хабар Twitter тарихидаги энг оммалашган твитга айланди. Бу ҳақда микроблоглар сервис матбуот хизмати хабар берди.

Хабарга кўра, Боузманинг оқ-қора фотосурати жойланган саҳифаси 7,1 миллиондан ортиқ “лайк” тўплаган. Компания бу ҳолатни “қиролга муносиб эҳтиром” сифатида баҳолади.

Чедвик Боузман 29 август кунни 43 ёшида саратон хасталигидан вафот этганди.



ҲАЗО

SpaceX КОМПАНИЯСИ ҚУТБ ОСМОНИГА РАКЕТА УЧИРДИ

SpaceX компанияси Флорида (АҚШ)даги Канаверал буридан Falcon 9 ракета-ташувчисини учирди.



Хабарга кўра, ракета Аргентина сунъий йўлдоши (SAOCOM 1B)ни Ер орбитасига олиб чиққан. Ушбу йўлдош радиолокациялар диапазонида тасвирлар олишга мўлжалланган. Йўлдош табиий офатларнинг оқибатларини бартараф этиш, тупроқнинг намлик даражасини ўлчашда ишлатилади.

Этиборли жиҳати, SpaceX илк марта қутб орбитасига йўлдошни олиб чиқди. Компания маълум қилишича, унинг рақобатчилари ва NASA АҚШ (Флорида)

худудидан туриб космик объектларни қутб орбитасига олиб чиқиш учун ракета учирмаганига бир неча ўн йиллар бўлди.

Этиборли жиҳати, SpaceX илк марта қутб орбитасига йўлдошни олиб чиқди. Компания маълум қилишича, унинг рақобатчилари ва NASA АҚШ (Флорида)

РЕЙТИНГ

2020 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРМИДА ЭНГ КўП СОТИЛГАН СМАРТФОНЛАР

2020 йилнинг биринчи ярмида энг оммалашган смартфонлар маълум бўлди. Ҳисобот Omdia таҳлил компанияси томонидан тақдим этилди.

Йилнинг дастлабки олти ойида Xiaomi ва Apple компаниялари қурилмалари энг кўп сотилди. Samsung смартфонларидан биттаси ТОП-10га кирди.

Биринчи ўринда iPhone 11 — 37,7 млн. дона сотилган. Иккинчи ўринда — Samsung Galaxy A51. Олти ойда 11,4 млн. дона сотилди.

Учинчи ўринда — 11 млн. дона сотилган Xiaomi Redmi Note 8. Рейтингдаги қолган барча уринларни Xiaomi ва Apple қурилмалари банд этди.

Таъкидланишича, компаниялар доим ҳам маълумотларини очиқламагани боис "Omdia" рейтингни тузишда расмий маълумотлардан фойдаланмаган.

1st Half 2020				1st Half 2019		
Rank	Model	OEM	Unit	Model	OEM	Unit
1	iPhone 11	Apple	37.7	iPhone XR	Apple	26.9
2	Galaxy A51	Samsung	11.4	Galaxy A10	Samsung	13.4
3	Redmi Note 8	Xiaomi	11.0	Galaxy A50	Samsung	12.0
4	Redmi Note 8 Pro	Xiaomi	10.2	A5	Oppo	10.5
5	iPhone SE (2020)	Apple	8.7	iPhone 8	Apple	10.3
6	iPhone XR	Apple	8.0	Redmi 6A	Xiaomi	10.0
7	iPhone 11 Pro Max	Apple	7.7	Redmi Note 7	Xiaomi	10.0
8	Redmi 8A	Xiaomi	7.3	Galaxy J2 Core	Samsung	9.9
9	Redmi 8	Xiaomi	6.8	iPhone Xs Max	Apple	9.6
10	iPhone 11 Pro	Apple	6.7	Galaxy A30	Samsung	9.2

Source: Omdia

© 2020 Omdia

ҚУЛАЙЛИК

MICROSOFT WORD АУДИОЎЗУВНИ МАТНГА АЙЛАНТИРАДИ

Microsoft компанияси ўзининг Word матнлар муҳарририга аудиоёзувларни матнга айлантириш функцияси – Transcribe қўшди. Функция нутқни бевосита унинг ёзилиши вақтида матнга айлантириши ёки юкланган файлни матн ҳолатдаги кўринишини акс эттириши мумкин.

Эндиликда фойдаланувчилар дастурда бирор нутқ ёзишлари ёки унга MP3, WAV, M4A ёки MP4 форматдаги аудио ва видеоёзувларни юклашлари мумкин. Тайёр матнни эса таҳрир қилиб, асосий файлга кўша бўлади. Агар нутқ ёзилишида икки киши иштирок этган бўлса, Transcribe буни ҳам кўрсатади.

Фойдаланувчи ёзувга ўгирилган матн бўйича ҳаракатлашиб, унинг муайян парчасига аудиоёзувда тўғри келувчи парчага ўтиши, аудио тури тизимда тинглаши мумкин.

Ушбу функция Microsoft 365 сервис фойдаланувчилари учун веб-талқинда мавжуд ва ҳозирча инглизча нутқларни матнга ўгиради. Компания бошқа тилларни кейинроқ қўшишга ваъда бермоқда.

Бироқ аудиоёзувлар билан ишлашда баъзи чекловлар мавжуд: файл 20 мегабайтдан кичик бўлиши, матнга ўгирилган аудиоёзув давомийлиги эса ойига 5 соатдан ошмаслиги керак. Айни вақтда қўшимча вақт ва мегабайт сотиб олиш имкони йўқ. Компания функциянинг мобил талқинини шу йилнинг охирига қадар тақдим этади.



САЛОМАТЛИК

ЭҚТИЁТ БЎЛИНГ! ТИКТОКда ХАВФЛИ ЧЕЛЛЕНЖ ПАЙДО БЎЛДИ

TikTok ижтимоий тармоғида инсон саломатлигини хавф остига қўювчи челленж ўтказилаётгани ҳақида The Sun хабар берди. Британ таблоиди ёзишича, фойдаланувчиларнинг хатти-ҳаракатлари шифокорларни ташвишга солмоқда.

Гап шундаки, ижтимоий тармоқда инсондаги холларни уй шароитида йўқ қилиш бўйича тавсиялар берилаяпти.

Шифокорларга кўра, холлардан уй шароитида қутулишга уриниш кучли қон кетишига, организмга инфекция тушишига ва ҳокказо саломатлик учун хавфли ҳолатларга олиб келади. Асло бундай қила кўрманг! Чунки малакали мутахассислар кўмагисиз бунинг иложи йўқ. Албатта шифокор маслаҳати ва кўмаги керак бўлади.



РЕКОРД

XIAOMI ГИННЕСНИНГ РЕКОРДЛАР КИТОБИГА КИРИТИЛДИ

Xiaomi компанияси Ҳиндистондаги савдо нуқталари сони бўйича Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олди.

Компания биринчи бор 2018 йилнинг ноябрида 500та дўкон очиб рекорд ўрнатганди. 2019 йилнинг августига келиб эса хитойликларнинг 2000та дўкони бор эди. Сўнгги бир йил ичида улар яна 1000та дўкон очиб, 3 минглик маррани забт этишди — бу биргина мамлакатнинг ўзидаги кўрсаткич.



Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.



ПОДИУМДАН СИЁСАТГА

Рамзан Қодиров қизини вазир ўринбосари этиб тайинлади

Чеченистон Президенти Рамзан Қодировнинг 21 яшар қизи Айшат Қодирова маданият вазирининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинланган. Отаси Айшатнинг охириги йилларда Firdaws модалар уйини бошқариб ва чеченистонлик артистларга қўмаклашиб келганини эслатган. АҚШ яқинда Рамзан Қодиров билан бирга қизи Айшатни санкция қўлланган инсонлар рўйхати-га киритган.

"Мен ва бутун маданият соҳаси учун ушбу тайинлов – шараф ва фахр! Узининг ёшлигига қарамасдан Айшат Рамзановна узоқ йиллардан буён республикамиз ижодий жамоаларининг ҳаётида жуда фаол, рақс, мусиқа ва театр жамоаларини барча зарур нарсалар билан таъминлаб келади", – деб ёзган "Инстаграм"да Чеченистон Маданият вазири Хож-Бауди Дааев.

Дааев, шунингдек, Айшатни вазир ўринбосари этиб тайинлаш ҳақидаги қарорини қўллаб-қувватлагани учун Рамзан Қодировга ўз миннатдорлигини изҳор этган.

Рамзан Қодировнинг ўзи қизини Телеграм каналида табриклаган, тайинлов "қаттиқ, пухта ўйлаб кўрилган қарор" бўлганини ёзган.

Рамзан Қодиров Айшатнинг охириги йилларда "коллекциялари дунёнинг кўп мамлакатларидаги мухлислар томонидан қадрланадиган ва таҳсинларга сазовор бўлган" Firdaws модалар уйини бошқариб келаётганини эслатган. Шу йил февралда Парижда Firdaws модалар уйи кийимлар коллекциясининг намойиши бўлиб ўтганди, унганча 21 яшар дизайнер ижоди тақдимотлари Грозний, Москва ва Дубай шаҳарларида ташкиллаштирилган.

Firdaws чечен брендини Рамзан Қодировнинг рафиқаси Медни Қоди-

рова 2009 йили ташкил этган, сўнг компания бошқарувини қизига топширган эди. "Firdaws модасини мен доим маданиятнинг бир қисми деб қабул қилганман", деб айтган Айшат Қодирова журналистларга.

Айшат Қодирова 1998 йили Центарой қишлоғида туғилган. 2016 йили Чечен Давлат университетининг иқтисодий факултетига ўқишга кирган, ўша йили турмушга чиққан.

Шу йил 20 июлида Айшат Қодирова онаси ва синглиси билан АҚШ санкция киритган инсонлар рўйхати-га тушган. Уларнинг АҚШга киришлари тақиқланган. "Департамент Қодиров 10 йилдан ортиқ вақтдан буён содир этиб келинаётган инсон ҳуқуқларининг қўпол поймол этилиши, шу жумладан, қийноқлар ва маҳкамасиз қотилликлар учун масъул экани борасида кенг ишончли ахборотга эга", дейилган АҚШ Давлат котиби Майк Помпео баёнотида.




КУВАЙТ ОҒИР АҲВОЛГА ТУШИБ ҚОЛДИ

Нефт захираси бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирида турувчи Кувейт пандемия сабабли "қора олтин" нархининг пасайиши оқибатида молиявий томондан оғир аҳволга тушиб қолди. Бу ҳақда Bloomberg хабар берди.

Таъкидланишича, жорий йилда мазкур мамлакатда нефт ва газ экспорти сезиларли даражада тушиб кетди. Йил охирига қадар нефт сотиш даражаси 2014 йилнинг ярмида бўлган савдога тенг келиши айтилмоқда.

Мамлакат ҳукумати ўзларининг ликвид активларини амалда тугатди. Аммо бу жорий йил бюджетда юзага келиши кутилаётган 46 миллиард долларлик камомадни ёпа олмайди.



ЕИ ва НАТО: "НАВАЛНИЙ ИШИ"ГА ЖИДДИЙРОҚ ҚАРАЛСИН!"



Европа Иттифоқи раҳбари Шарл Мишел ва НАТО бош котиби Йенс Столтенберг Россияни муҳолифатчи Алексей Навалний иши бўйича тергов ўтказишга чақирди.

Йенс Столтенберг НАТО давлатлари Навалний бўйича вазият юзасидан консультация ўтказиш ниятида эканини маълум қилган. НАТО расмийсига кўра, вазият бўйича ўткир текширувлар ўтказиш талаб этилади.

Бир неча кун аввал немис расмийлари Навалний организмда "Новичок" гуруҳига кирувчи модда топилганини маълум қилган. "Навалний иши" бўйича вазият жиддий тус олса Фарб Россияга янги санкциялар жорий этиши мумкинлиги ҳақида фаразлар ҳам янграмоқда.

Эслатиб ўтамиз, 20 август куни Алексей Навалний учган самолёт Омскда қўндирилган. Муҳолифатчи комага тушган. Кейинчалик у Германияга олиб кетилди.

ТРАМП БАЙДЕННИ ДОПИНГ ТЕКШИРУВДАН ЎТИШГА ЧАҚИРДИ

АҚШ президенти Доналд Трамп Демократик партиядан президент сайловларига номзод Жо Байденни допинг қабул қилишга текширишни таклиф қилди.

Трамнинг таъкидлашича, охириги вақтда Байден омма олдига ўзига хос бўлмаган тарзда яхши чиқиш қилмоқда. АҚШ президентининг айтишича, аввал Байден дебат ва шунга ўхшаш тадбирларда жуда ёмон иштирок этган. Шу сабабли Трамп сайловлар бўйича рақиб бири теткилаштирувчи восита қабул қилиши ҳақидаги хулосага келган. Шу муносабат билан Трамп Байденга сайловолди дебатлари олдидан биргалликда допингга текширувдан ўтишни таклиф қилган.

Таъкидланишича, Байден праймеризлар вақтида 11та дебатда иштирок этган. Бу дебатлардан охиригиси Байден ва унинг партия бўйича рақиб Берни Сан-



дерс ўртасида бўлиб ўтган. Трамнинг айтишича, у Байденнинг аввалги ва Сандерс билан ўтган дебатларида катта фарқ кўрган. "Ҳеч ким уни бу дебатларда галаба қозонади, деб ўйламагани. Чунки унинг аввалги дебатлардаги чиқишлари ёмон бўлган. Ростини айтсам, унинг энг яхши дебати Бернига қарши бўлди. У бу дебат вақтида Уинстон Черчилл бўлди, деб айтолмайман-у бироқ

бу дебатлар аввалгиларига нисбатан яхшироқ ўтди. У Бернига қарши бирдан нормал иштирок этганининг сабабини билмайман", деб айтган АҚШ президенти.

Аввалроқ Трамп Байденни сусткашликда айблаган ва унинг ёши катталигини таъкидлаб ўтган эди. Байден ноябрдаги сайловлардан кейин 78 ёшга тўлади, Трамнинг ёши эса ҳозирда 74 да.

Интернет материаллари асосида У. ЙҮЛДОШЕВ тайёрлади

➤ 1 АКТ ВАЗИРЛИГИ МОБИЛ ҚУРИЛМАЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА РАСМИЙ БАЁНОТ БЕРДИ

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мобил қурилмаларни рўйхатга олиш тўғрисида расмий баёнот берди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги 847-сонли "Ўзбекистон Республикасида мобил қурилмаларни ҳисобга олиш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисидаги" қарори ва 2019 йил 17 сентябрдаги 778-сонли "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилаётган, сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб кирилмаган ва ишлаб чиқариладиган мобил қурилмаларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш" тўғрисидаги қарорларига асосан мобил қурилмалар IMEI-кодларини рўйхатга олиш тизими жорий этилган.

Низомга асосан мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатдан ўтказишда жисмоний ва юридик шахслар учун тегишли тартиб ва талаблар белгиланган бўлиб, унга асосан жисмоний шахслар учун рўйхатдан ўтказишни онлайн (веб-сайт, Ягона интерактив давлат хизматлари портали), масофавий (SMS/

USSD-сўровлар) ёки рўйхатдан ўтказиш пунктларига шахсан мурожаат этиш орқали амалга ошириш имкониятлари яратилди.

Жисмоний шахслар томонидан мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатдан ўтказиш учун шахснинг паспорт маълумотлари, телефон рақами ва мобил қурилманинг IMEI-кодини тақдим этиш талаб қилинади. Рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилинаётган мобил қурилмаларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат божжона қўмитаси томонидан ўрнатилган божсиз олиб кириш нормаларига риоя этилганлигини текшириш мақсадида шахснинг паспорт маълумотларига асосан фуқаронинг Ўзбекистон Республикаси божжона чегарасини кесиб ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар текширилади. Ушбу ишларни амалга ошириш учун Тизим оператори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази билан электрон ахборот алмаши-

нуви йўлга қўйилган.

Бироқ, рўйхатдан ўтказиш масофавий ёки онлайн тарзда амалга оширилаётганида фойдаланувчи билан шахс ўртасида контакт бўлмаслиги сабабли фуқароларнинг паспорт маълумотларини айнан шу шахснинг ўзи ёки бошқа шахс томонидан тақдим қилинаётганлигини тизим орқали аниқлаш имкони бўлмайди. Шу сабабли ҳозирда учинчи шахсларнинг паспорт маълумотларидан фойдаланган ҳолда мобил қурилмалар IMEI-кодларини рўйхатдан ўтказиш ҳоллари кузатилмоқда.

Учинчи шахсларнинг паспорт маълумотларини киритган ҳолда ноқонуний равишда олиб кирилган мобил қурилмаларни рўйхатдан ўтказилиш ҳолатларини олдини олиш ва ушбу ноқонуний ҳаракатларни амалга оширган шахсларни аниқлаш мақсадида, Тизим оператори томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилинган. Бугунги кунда тергов суриштирув ишлари олиб борилмоқда. Тергов суриштирув ишлари натижалари бўйича қўшимча маълумот берилади.

Манба: mitc.uz

БЕШКЕНТЛИКЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Бугунги кунда мамлакатимизда кутубхоналар салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги "Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қарши туманидаги ахборот-кутубхона марказининг эски биноси капитал таъмирланди. Шунингдек, электрон ва босма шаклдаги нашрларни сақлаш учун қўшимча бино ҳам қурилди.



Яқинда ахборот-кутубхона марказининг таъмирдан сўнг кўркам қиёфага кирган биносининг тантанали очилиш маросими бўлди. Маросимда туман ҳокими М.Мустафоева, туман прокурори А.Мирзоев, вилоят АОК бошқармаси бошлиги У.Нусуров ҳамда туман "Наҳшаб" газетаси муҳаррири П.Тўлиевлар иштирок этишди.

Мазкур бино бешкентлик ёш тадбиркор Феруз Қиёмов раҳбарлигидаги Global Construction Group МЧЖ томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига таъмирланди. 43000дан ортиқ китоб фондига эга кутубхонанинг очилиши туман аҳолиси учун Мустақилликнинг 29 йиллигига муносиб совға бўлди.

Хусан СУВОНОВ

➤ ОНЛАЙН МАКТАБ

МАКТАБДА ОНЛАЙН ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАР УЧУН ҚАНДАЙ ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА?



Республикадаги 10 мингга яқин халқ таълими муассасаларининг барчасига оптик толали алоқа линияларини қуриш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Карантин тартиби эълон қилинган вақтдан бошлаб ўқувчиларга уйда фанларни бемалол ўзлаштиришлари учун барча маҳаллий тармоқ ва мобил операторлари томонидан таълим ахборот-ресурслари жойлаштирилган веб-сайтларга бепул кириш таъминланди.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда 3та телевизион канал ташкил этилди. Ушбу каналлар орқали телевизион видео-дарс машғулотларини республика бўйича бепул тарқатиш йўлга қўйилди.

Масофавий таълим беришда устоз ва мураббийлар учун мобил алоқа хизматларидан қулай шартларда фойдаланиш учун махсус "Таълим" тариф режаси жорий этилган. Ҳозирги кунда ушбу тариф режасига янада кўпроқ қулайликлар киритилмоқда.

Масофавий таълим учун янада кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида алоҳида имтиёзли "Мақтаб" тариф режаси ишлаб чиқилиб, ҳозирда жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Йил бошидан бугунги кунга қадар интернет тармоғига кенг поласоли уланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида 9 минг километрдан ортиқ оптик толали алоқа линиялари қурилди. Қурилган оптик толали алоқа линияларининг асосий қисми ижтимоий соҳа объектилари учун ташкил этилди.

Фойдаланувчилар учун янада кенгроқ имкониятлар яратиш магистрал телекоммуникация тармоқларининг ўтказувчанлик қобилияти вилоят марказлари даражасида 2 баробар, туман марказларига эса 4 баробар оширилди.

Мобил алоқа хизматлари қамровини кенгайтириш ва хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида 1 375та қўшимча янги мобил алоқа база станцияси ўрнатилди ва 3000дан ортиқ мавжуд база станциялари юқори тезликдаги интернет технологиялари асосида модернизация қилинди.

Йил якунига қадар яна 4 минг километрдан ортиқ оптик толали алоқа линиялари қурилди ва 800дан ортиқ қўшимча янги база станциялари ўрнатилди.

Ижод

ҚЎЛДАГИ ҲИЛОЛ


- У нима, ... кўк?
- Осмон.
- Учи, ялтироқлар?
- Юлдузлар.
- Думалоқчи?
- У Ой.
- Чиройли экан. Қўлингиз етадими?
- Албатта етади.
- Олиб беринг.
- Олиб беролмайман.
- Нега олиб беролмайсиз? Нега?.. Нега?
- Чунки у аллақачон менда. — Кўтариб олган қизча-сига қараб жилмайиб қўйди ота.



Баҳодир МҶМИНОВ,
ТАТУ ФХХ қўриқлаш хизмати ходими

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 24 декабрдаги 466-ф-сонли фармойишига асосан, "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамоат фонди ҳисобрақамига 2020 йил 29 августда "Radioaloqa radioeshittirishlar va televideniye markazi" DUK томонидан 10 000,0 минг сўм ҳомийлик пули келиб тушди. Мазкур маблағ "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2020 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.



Эксперт:

**СМАРТФОНИНГИЗ
ЭКРАНИДАГИ
ЁРУҒЛИККА
ЭЪТИБОР БЕРИНГ**

Аксарият замонавий смартфонларда органик светодиодлар – OLED технологияси қўлланилган экранлар ишлатилади. Кўп тадқиқотлар натижаларига кўра, OLED экранларининг ёрқинлигини созлашнинг ўзига хос хусусиятлари туйфайли одамларнинг тахминан ўн фоизда улардан фойдаланиш пайтида бош оғриғи бошланади, чарчоқ ва кўзлар қуруқлашиши пайдо бўлади, деди “Прайм” агентлигига НАФИ “Цифровой гражданин” (“Рақамли фуқаро”) платформаси эксперти Владимир Гриценко.

– Аслида OLED экранларининг ёрқинлиги доим юз фоизга тенг бўлади, фойдаланувчи уни тушириганда эса (бу кўпинча импульс-кенглик модуляцияси

ёрдамида амалга оширилади), экран ёруғлиқнинг маълум даражасига мос маълум частотада милтиллаш бошлайди. Ёрқинлиги қанча паст бўлса, экраннинг пулсацияси шунча кўпроқ намоён бўлади ва кўзлар шунча кўп чарчаши мумкин. Экраннинг милтиллаши одамнинг кўзига кўринмайди, аммо уни бошқа смартфон камерасини телефон экранига қаратганда кўриш мумкин, – дея изоҳ беради мутахассис.

Агар кўзларингиз OLED экранидан чарчаётганини сезсангиз, уни максимал даражага яқин ёрқинликда ишлатишга уриниб кўришингиз мумкин – милтиллаш камроқ бўлади, лекин хона шароитида ёруғлиги ҳаддан ташқари кўп бўлиши мумкин.

САЛОМАТЛИК

КУНДУЗГИ УЙҚУ ХАВФЛИ ЭКАН

Кундузги мунтазам ва узоқ уйқу ўлим хавфини 19 фоизга ошириши мумкин – Хитойнинг Гуанчжоу тиббиёт университети олимлари шундай хулосага келишди.

Мутахассислар 313 651 киши ҳақидаги маълумотларни ўрганиб чиқди, уларнинг 39 фоиз кун давомида ухлашни одат қилишган, шунингдек, 20дан ортиқ илмий мақолалар маълумотларини умумлаштирдилар. Тадқиқотлар шунини кўрсатдики, кун давомида мунтазам равишда бир соатдан ошқ ухлайдиган одамларда юрак-қон томир касалликлари хавфи 34 фоизга ва ўлим хавфи 30 фоизга ошган.

Таъкидланишича, хавф одатда кунига олти соатдан кўпроқ вақт эгаллаган кундузги уйқудир. Бироқ, олимларнинг фикрига кўра, ҳар қандай давомийликдаги кундузги уйқу ўлим хавфини 19 фоизга оширади. Шу билан бирга, аёлларда ва кекса одамларда уйқу ва ўлим хавфи ўртасидаги нисбат янада яққолроқ бўлиб мос равишда 22 ва 17 фоизни ташкил этади.



ПАРҲЕЗ

**ТУНДА ЕСА БЎЛАДИГАН
УЧТА МАҲСУЛОТ**

Америкалик шифокорлар кечаси нафақат ейиш рухсат этиладиган, балки фойдали бўладиган маҳсулотлар номини маълум қилишди. Айрим озиқ-овқат маҳсулотлари озиш жараёнини ишга туширишга ёрдам беради, деб ёзади “Медик Форум”.

Тунги ҳордиқдан ярим соат олдин 30 грамм оқсил ортиқ вазндан халос бўлишга ёрдам беради. Масалан, оқсилга бой творог моддалар алмашинувини тезлаштиради, яна юрак-қон томир саломатлигини яхшилайд.

Е витамини, магний ва селенга бой ёнғоқни ухладан олдин озорқ истеъмол қилиш ҳам ушбу жараёнга кўмаклашади.

Моцарелла таркибида оқсил ва D витамини бўлиб, уйқунини яхшилайд, иммунитетни мустаҳкамлайди. Уйқуга ётишдан олдин ушбу пишлоқдан озорқ еб олиш тавсия этилади. У фақат нуношта пайтида фойдали ҳисобланмайди.

Оқсилнинг яна бир манбаи тофу пишлоғи саналади. Уни кечаси еганда ҳам, қад-қоматингиздан хавотир олмасангиз бўлади. У калций ва темирга бой, холестерин эса таркибида йўқ.



Xabar
МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАШТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шухрат СОДИКОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ,
Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Усмоножон ЙЎЛДОШЕВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлиниши мумкин.
Наширимиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.
Баҳоси келишилган нархда.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри,
Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй
(мўлжал: Олов бозори).
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31,
факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума кунини чиқаради

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-957 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ. Адади: 3959 нусха.

ISSN 2010-6424
Босишга топширилди — 17.00.
Босишга топширилиши вақти — 24.00.